O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
[illegible] KITOB PALATASI

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 26-sentabr, shanba • №39(3829)

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) қуйидаги мазмундаги **$186^3$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$186^3$-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш**

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) кўп миқдорда;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;
д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;
е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;
б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
в) одам ўлишига сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;
б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

(Давоми 2-бетда).

**Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.**

**Ислом КАРИМОВ.**

ЭҲТИРОМ

# МУАЛЛИМ ДЕСАМ, ВАТАН КЕЛАР ЁДИМГА



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идоралари учун етук мутахассис кадрлар тайёрланади. Уларнинг ҳар томонлама билимли бўлишида профессор-ўқитувчиларнинг хизматлари эътирофга лойиқ. Устозлар шогирдларга пухта билим ва намунали тарбия беришга ҳаракат қилишяпти.

**Суратда:** ***Академия Тиллар ва адабиёт кафедраси бошлиғи, филология фанлари номзоди, доцент, полковник Динара Зайниддинова тингловчилар билан.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

**Мустақиллик ўзбек ўқитувчисини қуёш қадар юксалтирди. Устози улуғланаётган элнинг юрагидаги қувончини таърифлаб бўлармикин?!**

**Бугунги муаллимнинг ўқувчилари – гавҳарлари гуллар оралаб мактабга, лицейга, коллежга, институт, университетга ўқишга келмоқда. Мактабларнинг зиналари мармар, хоналари нурафшон, кўркам ва шинам. Синфлар алоҳида фанга мослаб жиҳозланган. Компьютер хоналарида сабоқ олаётган ўқувчининг имконияти элларга, юртларга, ер курасига уланган. Ҳар бир ёшнинг ялт этган истеъдоди давлат даражасида қадр кўрмоқда, маъқулланмоқда, тақдирланмоқда. Ўзбекистон – иқтидорли ёшлар юрти. Бугунги кун ўқитувчиси меҳнатининг меваси улар.**

(Давоми 5-бетда).

# ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти ижодий жамоаси **«Postda»**, **«На посту»** газеталари ва **«Qalqon»**, **«Щит»** журналларини сизларга манзур бўлиши учун бор куч-имкониятларини ишга солмоқдалар.

Нашрларимизда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, истиқлолимиз туфайли қўлга киритилган ютуқлар, қонунчилигимиздаги қўшимча ва ўзгартишлар, республика ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ишлар, ҳамкасбларимизнинг ғоят масъулиятли ва шарафли хизмат фаолиятларига, ўтказилаётган турли тадбирларга оид мақола ва очерклар, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларни фош этиш, қидирувдаги жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларни излаб топиш борасидаги хабарлар билан бирга детектив ҳикоялар, шеърлар, бошқотирмалар ва турли тест саволлари чоп этилмоқда.

Шунингдек, ҳар бир инсон учун зарур бўлган соғлик-саломатлигимизни асраш билан боғлиқ спорт ва саломатлик рукни, ҳаётимизда учрайдиган қувонч ва ташвишлар акс эттирилган «Ҳаёт сўқмоқларида» рукни остида қизиқарли материаллар бериб борилмоқда.

Сиз газета ва журналларимизда яна қандай материалларни ўқишни хоҳлаган бўлар эдингиз. Агар бу борадаги таклиф-мулоҳазаларингизни ёзиб юборсангиз нашрларимизни янада қизиқарли ва оммабоп бўлишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Сизнинг фикр-мулоҳазангиз биз учун ғоят қимматлидир.

Ҳамкорлигингиз учун аввалдан ижодий жамоамиз номидан миннатдорлик изҳор этамиз.

Бизга манзур бўлган мактублар газетамиз саҳифасида чоп этиб борилади.

Мактубларингизни кутиб қоламиз!

**ИИВ Бирлашган таҳририяти.**

## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАФТА ИЧИДА

● **Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан турли давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига самимий қутловлар йўлламоқдалар.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобига халқаро жамоатчиликни муносабати масаласида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ушбу китобни кенг жамоатчиликка етказиш, «2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури»нинг асосий йўналишлари ижроси борасида қилиниши лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталишди.

● **Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари маданий-маърифий соҳада ривожланиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Ашхобод шаҳрида «Ўзбекистон миллий киноси кунлари» бўлиб ўтди. «Ўзбекистон миллий киноси кунлари»да юртимиз кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Меҳробдан чаён», «Чашма», «Ўтов», «Осмондаги болалар», «Сусамбил», «Кулол», «Регистон – Самарқанд марвариди», «Имом Бухорий», «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» сингари йигирмадан зиёд бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Туркманистонлик томошабинлар бу экран асарларини қизиқиш билан кутиб олдилар.**

● Мамлакатимизда давом этаётган Ахборот-телекоммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида «Ўзкўргазмасавдо» павильонларида «ICTExpo – 2009» ахборот технологиялари кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури томонидан ташкил этилди. Кўргазма доирасида ахборот-коммуникация технологияларига бағишланган илмий-техник конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш, тақдим этиладиган дастурларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш, мактаб ўқувчилари учун илмий тадбирлар ўтказилади.

● **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа байрами – 2009» мавзуидаги маърифий ҳафталик бошланди. Миллий кутубхонанинг Ёшлар ахборот марказида ушбу тадбир доирасида янги китоблар, дарсликлар, уларнинг электрон вариантлари, журналлар, илмий-оммабоп адабиётлар, маълумот базаларининг тақдимоти, китоблар кўргазмаси, кутубхоначилик соҳасини ривожлантиришга оид давра суҳбатлари, анжуманлар, олимлар, илғор ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтади.**

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***(Давоми. Бошланиши 1-бетда).***

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда) **345-моддасининг олтинчи қисми** «$185^2$» рақамидан кейин «$186^3$» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$165^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$165^1$-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш**

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «165» рақамидан кейин «$165^1$» рақами билан тўлдирилсин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**
*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 17 сентябрь*
*№ ЎРҚ–221*

# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси бешинчи батальони командири, подполковник Раҳматилла Мусатиллаевич НОМОЗБОЕВ.**



Раҳматилла Мусатиллаевич Номозбоев 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, Фарғона Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда Тошкент шаҳар ИИББ тезкор ҳаракатдаги полки гуруҳ командири лавозимидан бошлаган. 1999—2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси тўртинчи батальони иккинчи отряд командири, ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси тўртинчи батальони иккинчи отряд командири, тўртинчи батальон командири ўринбосари – штаб бошлиғи, батальон командири лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси тўртинчи батальони командири, капитан Ёрқинжон Абдураимович ЎЛЖАБОЕВ.**



Ёрқинжон Абдураимович Ўлжабоев 1978 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2002 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси гуруҳ командири лавозимидан бошлаган. 2002—2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси махсус батальони иккинчи отряди командири ўринбосари, биринчи отряд командири, тўртинчи батальон учинчи отряд командири, батальон командирининг ўринбосари — штаб бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

**Бугунги кунда одам савдоси дунё халқлари учун аянчли иллатлардан бири бўлиб қолмоқда. Қамрови жиҳатдан қурол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари савдосидан қолишмайдиган бу иллат тинчликсевар мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг диққат марказида. Одам савдоси жиноятининг олдини олишда ўзаро ҳамкорлик, ахборот алмашиниш ва маълумотлар базасини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида БМТнинг Марказий Осиёда наркотик ва жиноятчилик бўйича минтақавий ваколатхонаси (UNODC) вакилларидан иборат делегация аъзоларининг одам савдосига қарши кураш бўйича махсус техник жиҳозлар ҳамда таъминлов дастурини топширишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш бўйича жиноят қонунчилигини такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича ташкил этилди. Унда мазкур минтақавий ваколатхона бошлиғи жаноб Жеймс Каллахан бошчилигидаги меҳмонлар ИИВга компьютерлар жамланмаларини топширишди. Йиғилишда Ж. Каллахан ҳамда ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ бошқарма бошлиғи, подполковник Ш. Муҳаммадиев томонлараро ҳамкорлик шартномасига имзо чекишди. Шунингдек, Ж. Каллахан бу лойиҳа ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаштириш борасида маълумотлар базасини яратиш, жиноятчиликка, жумладан, одам савдосига қарши курашда янада самарали хизмат олиб боришга катта ёрдам беришини айтиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, нуфузли халқаро ташкилотнинг бундай техник қўллаб-қувватлаши ҳамда ҳамфикрлиги ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичга олиб чиқиши билан бирга, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

***Мамлакатимиз Президентининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилинганлиги юртимизда инсон ҳақ-ҳуқуқи ва шаъни муносиб даражада қадрланаётганлигининг ёрқин кўринишидир.***

Яқинда вилоят ИИБда бўлиб ўтган йиғилиш ҳам ушбу қарорнинг вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида қўллаш тартибига бағишланди. Унда жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьялари, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ходимлари иштирок этди. Тадбирда республика ИИВ Тергов бош бошқармаси катта терговчиси, майор О. Сатимбоев сўзга чиқиб, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг моҳияти, афзаллиги, уни вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўллаш тартиби тўғрисида гапирди.

Йиғилиш қатнашчиларининг қарор ижросини таъминлаш юзасидан берилган саволларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси И. Муслимов ва республика Бош прокуратураси катта прокурори Ё.Абдуллаев атрофлича жавоб бердилар.

Юзма-юз мулоқот ва қизғин мунозара тарзида ўтган йиғилиш ходимларда катта таассурот қолдирди.

**Рустам СУННАТОВ,**
**капитан.**
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**
*Бухоро вилояти.*

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# МУҲИМ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан тайёрланган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари» номли рисола амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида бу соҳадаги биринчи амалий қўлланма бўлиб ҳисобланади. Унда яхлит соҳага оид норматив-ҳуқуқий базанинг моҳияти тушунарли ва оммабоп тарзда ижрочиларга қулай усулда ёритиб берилди.**

Маълумки, давлат ва жамият қурилишининг асосий, дастуриламал йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузаларида, нутқларида белгилаб берилади. Айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига оид фикрлар давлатимиз раҳбарининг деярли барча асарларида ўз ифодасини топган. Бунда жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида сўзлаган нутқларида кўрсатиб ўтилган устувор вазифалар ва йўналишлар, раҳбарларга қўйилган талаблар ҳокимлик мутасаддилари учун доимо ўрганиб борилиши лозим бўлган муҳим манбадир. Шу маънода бу соҳада фаолият кўрсатувчи барча масъулларга қулайлик яратиш мақсадида қўлланманинг биринчи бўлимида Юртбошимизнинг ҳокимликлар бўйича барча фикрлари умумлаштирилди.

Қўлланманинг биринчи бўлими Президент Ислом Каримов асарларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳокимлар фаолияти ҳақида билдирилган ғоялар, фикрмулоҳазаларга бағишланган бўлиб, унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари фаолиятини ташкил қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида фикр юритилган.



Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва фаолиятига оид асосий ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланманинг иккинчи бўлимида баён этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид конституциявий асослар, маҳаллий давлат ҳокимиятига оид асосий қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, маҳаллий вакиллик органларини ташкил қилиш бўйича «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, халқ депутатларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунлари шулар жумласидандир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари акс эттирилган учинчи бўлимда амалдаги қонунларда белгиланган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил ифодасини топган. Мазкур бўлимда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг юридик жавобгарлиги масалаларига оид қонун ҳужжатларидан кўчирмалар ҳам келтирилган. Бу ҳам ўз навбатида мавзуга оид амалдаги қонун нормаларининг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради.

Амалий қўлланмада маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига оид асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати берилган бўлиб, унда ҳокимликлар фаолиятида мунтазам қўлланиб келинаётган тушунчалар, масалан ариза, аҳоли пунктлари, мажбурий тўловлар, ваколат, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари, депутат, мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, ҳокимият, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, мол-мулк, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, маҳаллий бюджет, муниципал мулк, туман, туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳар, шаҳарчалар, шикоят, ҳоким, ҳокимият, ҳокимлик, ҳуқуқ, ҳокимият вакили, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши каби тушунчаларнинг изоҳи берилган.

Қўлланманинг бешинчи ва олтинчи бўлимларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид нормалар янада тушунарли бўлиши учун уларнинг схематик ифодаланиши ҳамда фойдаланилиши тавсия этиладиган асосий адабиётлар рўйхати ўрин олган.

Ўйлаймизки, мазкур қўлланма маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарларига, раҳбар-кадр захирасида бўлганларга, ҳокимлар фаолияти билан қизиқувчи кенг жамоатчиликка мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини тизимли тарзда ижросини таъминлашда муҳим манба сифатида хизмат қилади.

**М. МИРАКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди.**

ТАДБИР

**Бугунги кунда барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг тафаккурини бойитиш, маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.**

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

Яқинда Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муассасада «Миллий ғоя тарғиботи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йилларида эришилган ютуқлари, буюк аждодларимиз, алломалар ва уларнинг жаҳон цивилизацияга қўшган улкан ҳиссалари, замонамизнинг атоқли адиблари, улар босиб ўтган ижодий йўл, адабий меросларидан юзасидан шеър ва саҳна кўринишлари бўйича қизғин баҳс ва мунозара кечаси ўтказилди.

Якуний натижаларига кўра, «Заковат» жамоаси ғолиб, деб топилди. Фахрли ўринларни эгаллаган жамоалар ҳам совғалар билан муносиб тақдирландилар.

**Ф. ХАСАНОВ,**
**лейтенант.**

*Навоий вилояти.*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

# МУЛОҚОТ РУҲИДА ЎТДИ

**Жиззах вилояти ИИБ ташаббуси билан вилоят Маънавият маркази биносида ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, Адлия бошқармаси, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоятдаги минтақавий вакили, жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари судларининг судьялари, Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси аъзолари ҳамда Жиззах давлат педагогика институтининг бир гуруҳ талабалари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник О. Ғуломов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар ўтган давр мобайнида тизимда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлат, нодавлат ташкилотлари, миллий институтлар билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги, вилоят ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада юқори босқичга кўтариш борасида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилаётганлиги, фуқароларнинг ҳар қандай мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда, тез ва самарали кўриб чиқилишини таъминлаш бош вазифа этиб белгиланганлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, тадбирда «Ишонч телефонлари» фуқароларнинг мурожаат қилишларида муҳим восита бўлаётгани, мурожаат этувчиларга қулай шароитлар яратилгани ҳам қайд этиб ўтилди.

Семинар қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар тарзида ўтди.

**Баҳодир БЕГИМКУЛОВ.**

*Жиззах вилояти.*

## ЖАҲОН АЙВОНИДА



### ҚАШШОҚЛАР КАМАЙМОҚДА

Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, ер юзида 1990-2007 йиллар оралиғида ўта қашшоқликда яшаётган одамлар сони 1,8 миллиарддан 1,4 миллиардга камайган ва бу кўрсаткич 2015 йилгача яна икки бараварга камайиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги шўъба ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, она Ернинг 6 эмас, балки 12 миллиард ва ундан ҳам кўп одамни боқишга имконияти бор. Бунинг учун дунё ресурсларидан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

### ЎҚУВ ЙИЛИ КЕЧИКТИРИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликлари «Гольф Ньюс» газетаси хабарига кўра, Саудия Арабистони ва Уммонда тарқалаётган A/H1N1 гриппи вируси янги ўқув йилини орқага суришга мажбур этмоқда. Яъни янги ўқув йили ноябрь ойидан бошланадиган бўлди.

Маълумотларга кўра, айни дамда Саудия Арабистонида 3,5 мингдан ортиқ киши A/H1N1 гриппига чалинган бўлиб, 23 киши эса айнан шу касалликдан вафот этган.

### ТАБИИЙ ОФАТ

АҚШнинг жануби-шарқий ҳудудларида бир ҳафта давом этган тинимсиз ёмғир оқибатида сув тошқинлари юзага келди. Теннеси, Алабама, Шимолий Каролина, Вирджиния ва Жоржия штатлари табиий офатдан энг кўп зарар кўрган.

«Associated Press ахборот агентлиги»нинг хабарига кўра, кейинги олти ой ичида мамлакатнинг ушбу ҳудудларида қурғоқчилик хукм сурайётган эди. Энди эса аҳоли тошқинлардан азият чекмокда.

### ТЎП ТЕПАДИГАН РОБОТ

Япониянинг Хадземе тадқиқот институтида футбол ўйнай оладиган робот яратилди. Мазкур «Темир одам» «Hajime 33» деб номланди. Унинг бўйи икки метр, оғирлиги эса 20 килограммни ташкил этади.

Ихтирочиларнинг таъкидлашича, робот ҳозирча оҳиста ҳаракат қилади ва тўпга аста зарба беради. Кейинроқ эса бундай маром тезлашади.

### ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИК

Олимлар сув ости жонзотларининг ҳозирга қадар ҳеч қаерда учрамаган бир қатор янги турларини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Тадқиқотчилар уларни ўлик китлар жасадларидан топишди. Ҳайвонот оламининг ана шундай номаълум тўрт тури Швеция ва яна беш хили АҚШ қирғоқларида аниқланган. Айни пайтда бу янгилик юзасидан изланишлар олиб борилмоқда.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПДИ

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан республика ички ишлар идоралари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Мукофотланганлар орасида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор Баҳром Қодиров ҳам бор. Унинг II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланганлиги нафақат оила аъзоларини, балки хизматдошларини ҳам тўлқинлантириб юборди.***

— Бу мукофот биргина менга эмас, балки елкама-елка туриб хизмат қилаётган жамоадош, ҳамкасбларимга ҳам берилган деб биламан, — дейди майор Баҳром Қодиров. — Тўғрисини айтганда, бундай юксак эътирофни кутмаган эдим. Ҳатто касбдошларим мени табриклаётганда ҳам ишонмадим. Кимдир қўлимга газета тутқазганидан сўнг исм-фамилиямни қайта-қайта ўқидим. Камтарона хизматларимнинг эътибордан четда қолмаганлигидан бошим кўкка етди. Ўз халқим, Ватанимга, ота-онамга муносиб фарзанд бўлганлигимдан доимо фахрланаман. Уларнинг ишончларини оқлаб, бундан кейин янада кўтаринки кайфиятда ва иштиёқ билан ишлашга ҳаракат қиламан.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги меҳнаткаш оилалардан бири — Уминиса ая ва Ваҳоб ота Қодировларнинг еттинчи фарзанди бўлиб дунёга келган Баҳром ака ўз қизиқиши ва тиришқоқлиги билан бугун шу даражага етди. Ҳарбий хизматни ўтаб келгандан сўнг ёш Баҳромнинг дилида бир ният ниш ура бошлади. У ҳам бўлса ички ишлар идораларига хизматга кириб, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилиш эди. Нияти амалга ошиб, уни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ пост-патруль хизматига ишга олишади. Хизматга оид илк сабоқларни берган устозлари — истеъфодаги подполковниклар Интиқ Серикбаев, Нисамбек Қорабоев (марҳум), истеъфодаги майор Карим Султоновлар бир кун келиб ўз шогирдларининг улкан ютуқларга эришишини англаб, ният қилган бўлсалар не ажаб. Ана шундан буён эл-юрт осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган Баҳром Қодиров бугунги кунда ўзи ҳам устоз даражасига етган мураббийлардан. Мақоламиз қаҳрамони иштирокида очилган жиноятлар рўйхатини варақлар эканмиз, содир этилган кўплаб жиноятлар «иссиқ изи»дан очилганлигига гувоҳ бўламиз.

...Шайхонтоҳур тумани Гулобод даҳасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи Ҳафиза хола (исмлар ўзгартирилган) ўғли Комил ва келини Санобарни алоҳида яшашга ундаб, ҳар хил келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Келини билан муроса қила олмаган олтмиш беш ёшли қайнона ўғли ва келинини чиқариб юборади ва «тинчгина» яшай бошлайди. Буни билган келиннинг синглиси ғаразли режа тузади. Қора ниятли Сарвигул кунларнинг бирида Ҳафиза холанинг эшигини тақиллатиб келади. Дарҳол дастурхон ёзиб чой қўйган кампирнинг бошига кутилмаганда нимадир қаттиқ зарб билан урилади ва ерга йиқилади. Сарвигул кампирнинг оёқ-қўлини боғлаб, уч юз минг сўм пул ва тилла тақинчоқларни олиб хонадондан чиқиб кетади... Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида қисқа фурсатда қўлга олинган Сарвигул суд ҳукми билан тегишли жазога тортилади.

Баҳром Қодировнинг жиноят ва унинг «иссиқ изи»дан очилиши борасидаги воқеаларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Ўз касбининг фидойиси бўлган Баҳром аканинг издошлари унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, ҳар бир нарсани назардан четда қолдирмасдан масъулият билан ишлашига ҳавас қилишади.

**Жамила ЭШОНҚУЛОВА.**
*Тошкент шаҳри.*

# ХИЗМАТДА ТОБЛАНГАН ЙИГИТ

***Капитан Шуҳратжон Эргашевга мўътабар ҳис — Ватан туйғуси болалигидан эш. Бу туйғу ҳар кимда ҳар хил бўлади. Биров билими, яна биров иқтидори, санъати, яна кимдир шарафли меҳнати билан уни ардоқлайди. Бироқ юрт тинчлиги, халқ осойишталигини сақлаш ишига камарбаста бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шуҳратнинг ёшликдан спортга ошнолиги бу йўлдаги тўсиқларни енгиб ўтишида асосий омил бўлди.***

Мамлакатимиз истиқлолга эришганида у айни орзулари куртаклаган ўн беш ёшли йигитча эди. Кўз очиб юмгунча мустақил ҳаётга қадам қўйди, отаси Маъруфжон ака ва онаси Санталат опанинг оқ фотиҳаларини олиб, ҳарбий хизматга жўнади. Ватанга хизмат аъло даражада бажарилди. Ҳарбий ва жисмоний тарбия уни алоҳида назарга туширди. Шуҳратни ички ишлар тизимига хизматга қабул қилишди. Жиддий синовларда унинг бошқа фазилатлари, лаёқати намоён бўлди.

Ҳарбий хизматда қўл жанги спортнинг тури билан жиддий шуғуллангани Наманган вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли тезкор таъсир кўрсатувчи милиция отрядидаги фаолиятда ҳам қўл келиб, шахсий таркибда унинг обрўсини оширди.

Спортда чиниққан, ҳарбийда тобланган йигит хизмат бурчига садоқати, изланувчанлиги билан жамоада ўз ўрнини топди. Бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд гуруҳ командири, махсус отряд хизмат гуруҳи инспектори, Наманган тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили вазифаларида ҳам хизматни шараф билан адо этди.

Ҳозирги пайтда у вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили. Айнан шу жабҳада қизгин фаолият кўрсатди. Вилоят ҳудудида яширин фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик оқим аъзоларини аниқлаш ва фош этишга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бешта огир ва ўта оғир жиноятни фош этишда қатнашди. Унинг тезкор суриштирув ва қидирув ишларини тўғри ташкил қила олганлиги натижасида вилоят ички ишлар идоралари томонидан қидирувда бўлган уч нафар шахс ушланди.

Албатта, бундай салмоқли ютуқларга эришишида устозларнинг ўгити, уларнинг бой хизмат тажрибасини амалда қўллаши ва доимо ўқиб, изланиши ҳамда спорт билан шуғулланиши қўл келмоқда.

Таэквандо бўйича қизил белбоғ соҳиби Шуҳрат Эргашевнинг юртбошимиз Фармонига асосан «Жасорат» медали билан тақдирлангани унинг хизматига берилган юксак эътироф бўлди. Мукофот муборак, ҳамкасб!

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*

ЭЛ КОРИГА ЯРАЁТГАНЛАР

# ИШБИЛАРМОН ИНСПЕКТОРЛАР

***Ишбилармон деган сўзни кўпроқ савдо-сотиқ, хунармандчилик ёки тадбиркорлик билан шуғулланадиган кишиларга нисбатан ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, инсон бир касбнинг этагини ушладими, уни пухта эгаллаши, пасту баландини яхши билиши, ишнинг кўзини топа олиши керак. Жумладан, ишбилармонлик ички ишлар ходимларига ҳам хос фазилат бўлмоғи шарт. Гоҳида жуда мавҳум туюлган, кўпдан бери очилмай қолган жиноят аниқланиб, айбдор қўлга олинса, ходимга нисбатан ишини жуда пухта билади, деб қўямиз. Аслида у ишнинг кўзини билади, халқ таъбири билан айтганда, ишбилармон ходим.***

Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудуди профилактика инспектори, «Шуҳрат» медали соҳиби майор Исмат Ибрагимовни ҳам ҳақли равишда ишбилармон ходим дейиши мумкин. У қишлоқ марказидаги қаровсиз қолиб кетган бир бинони таъмирлаб, янги замонавий масканга айлантиришда бош-қош бўлди. Қишлоқ, маҳалла фаолларини, фермерларни ишга солди. Асосий юмушлар ҳашар йўли билан бажарилди. Кишилар қишлоқ марказида қайтадан бунёд этилган янги бинони кўриб, кўзлари қувнади. Дарвоқе, бу маскан «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллади. Бунда биринчи галда профилактика инспекторининг ишбилармонлиги қўл келганини айтиб ўтиш жоиз.

Бобур номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг «Аҳиллик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида кўпдан бери фойдаланилмай ётган икки қаватли бино айнан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қайта таъмирланиб, кўркам бинога айлантирилганини ҳам мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Қишлоқларимиз равнақи, республикамиз истиқболини намоён этишда катта ўрин эгаллайди. Аҳолининг фаровон яшаши эса, бутун фаолиятимизнинг асосий мақсади, шундай экан бу улуғвор ишга ички ишлар идоралари ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоғи керак. Шу маънода профилактика инспектори, капитан Умрзоқ Норматовнинг қишлоқ марказидаги бинони кўпчилик ҳавас қиладиган масканга айлантиришдаги ишбилармонлигидан ибрат олса арзийди.

Сардоба қўрғонидаги нисбатан нотинч, жиноят кўпроқ содир этиладиган маҳаллага катта лейтенант Фарҳод Зияев профилактика инспектори этиб тайинланди. Очиғи, дастлаб айримлар унга ишончсизлик билан қаради. Фарҳод ишнинг кўзини биладиган йигит эканлигини раҳбарият яхши биларди. У ўзига билдирилган ишончни оқлади. Орадан ярим йил ўтмаёқ маҳалла аҳли «Профилактика инспекторидан миннатдормиз», дея эътироф этди. Фуқароларга тинчлик, осойишталик керак. Ф. Зияевнинг маҳаллада ўрнатган тартиби туфайли айрим жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил шахслар тўғри йўлга киришга мажбур бўлишди. Содир этилган ҳуқуқбузарлик, қоидабузарликлар ҳақида фуқароларнинг ўзлари хабар берадиган, ёшларни тартибга чақирадиган бўлди. Бунда, албатта, профилактика инспекторининг ишбилармонлиги асқотди. Ҳозирги кунда капитан Фарҳод Зияев ҳамкасбларига, айниқса, ёш ходимларга ўрнак кўрсатиб хизмат қилмоқда.

Туманда йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўрсаткичлар ходимларнинг ўз бурчини бажаришда катта масъулият билан ёндашаётганидан далолат беради. Фуқаролар ҳудудда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида ички ишлар ходимлари билан биргаликда ҳаракат қилиш, уларга ёрдам беришнинг аҳамиятини тушуниб етмоқдалар. Сардоба қўрғонида қўшни республикадан келиб, одам савдоси билан шуғулланиб юрган аёлни топишда маҳалла аҳли ёрдам берди. Қўшни республикада жиноят содир этиб, туманимизда яшириниб юрган шахс ҳақида ҳам фуқаролар хабар беришди. Аввалгидек, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, дея фикрловчи фуқаролар деярли учрамайди. Шунинг учун ҳам жиноятлар сони кескин камайиб боряпти. Чунки, содир этилган жиноят «иссиқ изида» очилмоқда. Бунда албатта, фуқароларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Шу ўринда фуқароларнинг ички ишлар идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш жуда зарур. Туманда асосий эътибор ана шу жиҳатга қаратилган. Ариза ёки шикоят билан келган ҳар бир фуқарони умидсиз қайтармасликка ҳаракат қилинмоқда. Ички ишлар идораларига тааллуқли бўлмаган ёки ваколатига кирмайдиган ишлар юзасидан мурожаат қилганларга йўл-йўриқ кўрсатиб, зарур маслаҳат берилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаати ички ишлар идораларига бўлган ишонч деб қабул қилиняпти. Уни оқлаш учун эса, шунчаки билим ва маҳоратнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Ишбилармонлик ҳам керак. Яқинда бир оиланинг уй-жой талашиб қилган шикояти кўриб чиқилди. Бу ерда қонунни асос қилиб, масалани ҳал этиш мумкин бўларди, аммо бир томон жабрланиб қоларди. Шуни ҳисобга олиб, туман ИИБ раҳбарияти туман ҳокимлигига мурожаат этиб, бир оила учун ер участкаси ажратиб беришни таклиф қилди. Янги уй қурилиши учун иккинчи томон маблағдан ёрдам берадиган бўлди. Бу келишувга иккала томон рози бўлди. Шу тариқа икки ака-ука ўртасидаги низога барҳам берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

«Иш билганга минг танга» деб бежиз айтилмайди. Туман ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан жиноятчиликнинг йилдан-йилга камайиб бораётганида шахсий таркибнинг билимли, юксак маънавиятли, ўз касбининг устаси бўлган ишбилармон ходимлар билан жамланиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда. Бунда туман ИИБ раҳбарияти ҳар бир ходимнинг, айниқса, ёшларнинг ўз тажриба ва маҳоратларини оширишлари борасида барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётганини алоҳида таъкиллаш лозим.

**Эркин САИДОВ,**
**подполковник.**
**Садриддин ШАМСИДДИНОВ,**
**журналист.**
*Сирдарё вилояти.*

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# МУАЛЛИМ ДЕСАМ, ВАТАН КЕЛАР ЁДИМГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бир-бирини такрорламас меъморчилик санъати билан яратилган маърифат кошоналарида дилни қувонтирадиган маданият билан тарбияланаётган онги юксак, диди баланд, айни чоғда беғубор, қувноқ ёшларни кўрганимда гоҳо ўзимнинг ўқувчилик даврим ёдимга тушади.

Биринчи синфга боришимни эшитиб юрагимнинг дук-дук уришидан нафасим бўғзимга тиқилай дерди. Менга онам чит матодан сўмка тикиб бердилар. Унинг ёнига яна бир кичкина халтача бунга сиёҳдон солинади, деб қўйдилар меҳрибоним. Отам алифбе китоби сотиб олиб келдилар. Ўша кун, яъни қўлимга алифбе теккан кун мен учун энг улуғ кун эди. Тезроқ 1 сентябрь келса эди, деб интиқ кутаман. Алифбени ўпаман, чит сўмкани бағримга босиб, сиёҳдону перони силаб қўяман. Оёғимга оқ пайпоқ ва туфлича кийдим. Сочларимга лента тақиб югуришимни кўринг.

Бир соат йўл юриб мактабга келардик. Юқори синфларга машғулот ўталиган Турсинмат ака деган муаллим бўларди. У киши уруш ногирони бўлгани боис узоқ йўлга пиёда юролмас, эшак миниб келарди. Домланинг мактабга эшак миниб келишини тумандан келган текширувчи маданиятсизлик деб атабди. Бечора домланинг бошқа улови йўқ эди. Мен 5-синфда ўқирдим. «Домлани тушунинг» деган шеър ёздим. Унда домла урушдан ярадор бўлиб қайтганини кўрсатиб ўтдим. Шеър баҳона бўлибми, домланинг ёшини ҳурмат қилибми баҳоргача эшакда келишга рухсат берилди. Кунлар исигач, Турсинмат домла велосипед миниб келди. Бутун мактабда байрам бўлган эди ўшанда. Бугун домланинг беш ўғлида бешта машина бор. Афсуски... бу кунларни домла кўролмай кетди.

Қизим биринчи синфга борганида Президент совғаси – чиройли сумка, унинг ичи тўла китоблар, дафтарлар, ўқув қуролларини кўриб севинчдан кўзим ёшланди. Қизчам ҳам китобларини ўпиб, сумкасини қучоқлаб, буларни менга Президент бобом берганлар, улар мени қизим деганлар, яхши ўқи, деганлар, «Мен ҳам уларни яхши кўраман», дея шодланиб турганини кўриб, яна ўша йиллардагидек юрагим дукдук ура бошлади. Бундай қувончли, ҳаяжонли лаҳзалар йили Ўзбекистоннинг минг-минглаб оналарига насиб этади. Унутилмас лаҳзалар, миннатдор лаҳзалар...

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам бағри кенг Президентимиз 1-синф ўқувчиларини қувонтиришда давом этмоқдалар.

Ўқитувчининг қувончи ўқувчига, ўқувчининг қувончи бутун мамлакатга тарқалмоқда.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида таълимга жуда катта маблағ сарфлаётган ягона давлат экани ҳақида бугун дунё матбуоти ёзмоқда, бизга ҳавас қилишмоқда. Бу эҳтиромлар давлатимизнинг ўқитувчи ва мураббийларига бўлган юксак ишончи, эҳтиромини кўрсатмоқда.

Юртимиз таълимининг фидойиларини байрамлари билан муборакбод этар эканман, қуйидаги шеъримни уларга туҳфа қиламан.

*Бардошимсиз, сабрми,*
*Ташна дилга абрми,*
*Кечиримли кабирми,*
*Муаллим десам, чексиз –*
*Уммон келар ёдимга.*

*Баҳори кузидан кўп,*
*Савоби изидан кўп,*
*Ғунчаси ўзидан кўп,*
*Муаллим десам, боғу –*
*Бўстон келар ёдимга.*

*Олам унга термулар,*
*Одам унга термулар,*
*Ўзи ерга термулар,*
*Муаллим десам, нурли*
*Осмон келар ёдимга.*

*Сен улуғ миллат деган,*
*Сен қутлуғ элат деган,*
*Тошларни гуллат деган,*
*Авлоний-ю, Беҳбудий,*
*Чўлпон келар ёдимга.*

*Олтинга ор солмаган,*
*Қўлёзмаси ёнмаган,*
*Ёзганидан тонмаган*
*Мунаввар Қори, Фитрат,*
*Урфон келар ёдимга.*

*Жонда – ипак ичинда,*
*Дуо, тилак ичинда,*
*Ўрни юрак ичинда,*
*Муаллим десам, азиз –*
*Ватан келар ёдимга.*

**Зулфия МЎМИНОВА.**

# УЛУҒ УСТОЗ

**Илк бор сабоқ бериб, ҳарф танитган, олий ўқув юртида мутахассислигимиздан чуқур билим берган устозларимизни ҳамиша илиқ бир меҳр, ҳурмат, эҳтиром билан эслаймиз, тилга оламиз. Негаки, мустақил ҳаёт сари ташланган илк қадамларимизда уларнинг кўрсатган йўл-йўриқлари, берган сабоқлари чироқ бўлиб йўлимизни ёритади. Мунаввар манзиллар сари етаклайди. Юксак чўққиларни забт этишга, шунингдек, чин маънодаги инсоний фазилатларга эга бўлган комиллик сари чорлайди. Албатта, бундай улуғ зотларни қанчалар эъзозласак арзийди.**



Ана шундай ёшларга сабоқ беришдек шарафли касб эгаси бўлган подполковник Холмурод Қурбонов ҳам мана 15 йилдирки ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида курсантларга сабоқ бериб келаётир.

– Олий мактабдаги фаолиятим, ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек шарафли ва савобли касбни танлаган ўктам курсантларга дарс бериш мен учун жуда мароқли, – дейди суҳбатдошимиз подполковник Холмурод Қурбонов. – Айниқса, инсонларга кўплаб талафотлар етказадиган, баъзан фожиаларга айланадиган тилсиз ёвга қарши кураш бўйича машғулот ўтар эканман, ҳар бир курсант эртанги кунда ўз мутахассислигини чуқур эгаллаган, билимли ходим бўлишида ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Шунингдек, тўрт йил давомида фарзандимдек яқин бўлиб қолган курсантлар ҳамиша соғ-омон бўлиб, ёнғин балосини жиловлаб юришини тилайман.

Бугунги кунда Тезкор-тактик фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият юритаётган Х. Қурбонов фақатгина курсантларга сабоқ бериш билан шуғулланиб қолмай, балки гидравлика ва ёнғинга қарши сув таъминоти фанидан масалалар ечиш бўйича икки қисмдан иборат услубий қўлланма, маъруза матн ва курс ишларини бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқди. Ҳозирда улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилаяпти. Илмий мақолалари эса чет эл матбуотида ҳам чоп этилган.

– Устозимиз Холмурод Қурбоновни нафақат ўз касбининг моҳир устаси, балки энг гўзал инсоний фазилатларга бой, қалби дарё инсон сифатида ҳам жуда ҳурмат қиламиз, қадрлаймиз, – дейди майор Эркабой Собиров. – Уларнинг куюнчак ва меҳрибонлиги ўз касбининг чинакам фидойилиги менда жуда катта таассурот қолдирган. Умуман бу ердаги кўплаб устозларимга ҳавас қилиб, мен ҳам ўқишни битириб, ушбу мактабда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатмоқдаман.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ишга келган чоғларини эслар экан, Холмурод ака унга йўл-йўриқ кўрсатган, кўмагини аямаган устози Мирасқар Маҳмудов, мактаб бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, генерал-майор Матрасул Собировдан миннатдор эканлигини айтади.

Ўтган ўқув йилида мактабда ташкил қилинган «Энг яхши маърузачи» кўрик-танловида ғолиб бўлган Холмурод Қурбонов ҳақиқатан ҳам курсантларнинг бутун диққат-эътиборини ўзига жалб қиладиган маърузалари, машғулотлари билан уларнинг етук кадр бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган чин маънодаги устоздир.

Зеро, Алишер Навоий бобомиз айтганларидек:

***Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,***
***Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.***

Дарҳақиқат, бизга таълим берган, эртанги кунимиз, келажагимиз учун фидойилик қилган устозлар олдида қарздормиз ва бу қарзни ҳеч бир молу дунё билан узиб бўлмайди.

Устоз улуғ зот – у ўз меҳнатидан, шогирдлар камолидан фахр, ифтихор ҳиссини туяди. Шогирдларга ҳамиша оқ йўл тилаб кузатади.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**

# КЕЛАЖАККА ЧОРЛОВЧИ МАЁҚ

***ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида тажрибали устоз-мураббийлар кўп. Улардан бири ҳақида мақола ёзмоқчи бўлиб билим юрти бошлиғининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шукрулло Муҳаммадкуловга юзланганимизда майор Баҳром Муродовни тавсия этди.***

– Баҳромжон жуда сергайрат, илмли йигит. Феъл-атвори ҳам ибрат олишга арзигулик, – деди у.

Майор Баҳром Муродовнинг самимийлиги ва камтаринлигини унинг кўзларидан, муомаласидан англаб олса бўлади. Муддаоимни айтганимда ўнғайсизланиб гап бошлади.

– Болалигимда кинофильмларни кўп кўрардим, – деди Б. Муродов. – Ўз ватани учун курашиб ёвуз кимсаларнинг додини берган фильм қаҳрамонларига ҳавас қилардим. Юқори синфга ўтгач, бошланғич ҳарбий тайёргарлик фани ўтила бошлади. Ўқитувчимиз Ғайрат ака Нишоновнинг сабоқлари қалбимда ҳарбий соҳага меҳр уйғотди. Шу сабаб, мактабни тамомлаб, ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига ўқишга кирдим.

1997 йил билим юртини муваффақиятли тамомлаган Баҳром Муродов ҳарбий қисмлардан бирида гуруҳ командири сифатида иш бошлади. Беш йиллик меҳнат фаолияти давомида взвод командири лавозимигача кўтарилди. 2002 йилдан эса ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Орадан бир йил ўтиб, взвод командирлигига тайинланди. Ўтган йиллар мобайнида ўз устида янада кўпроқ ишлади. Устозлари – истеъфодаги полковниклар С. Денковский, И. Эгамбердиев ва истеъфодаги подполковник Ҳ. Ниёзовнинг сабоқларига, маслаҳатларига амал қилди. Ҳарбий соҳадаги илмини, салоҳиятини янада ошириш мақсадида 2006 йилда Қуролли Кучлар академиясида сабоқ олди. Академияни муваффақиятли тамомлаган майор Баҳром Муродов бугунги кунда билим юрти курсантларига тактик тайёргарлик фанидан сабоқ беряпти. Умумҳарбий фанлар кафедраси бошлиғи ўринбосари.



Ўзи ёш бўлса-да, шогирдлари ҳам бор. Қувонарлиси, улар ҳам устозлари каби ҳаётда ўз йўлини топиб олмоқдалар. Катта лейтенантлар Фахриддин Усмонхўжаев, Улуғбек Сиддиқов ва Абдужалил Абдуравитов шулар жумласидандир.

– Француз файласуфи Д. Жебер «Ўқитиш икки карра ўқишдир», деб бежиз айтмаган. Ўқитувчилик ғоятда масъулиятли, шу билан бирга шарафли касб. Ўзини педагогикага бағишлаган инсон ҳар томонлама баркамол бўлмоғи лозим. Токи, шогирдлари унга ўхшашга ҳаракат қилсин. Бу даргоҳда таълим олаётган ҳар бир курсантга тактик тайёргарликни мукаммал тушунтиришга, ҳарбий соҳага доир сир-асрорларни пухта ўргатишга ҳаракат қиламан. Ички ишлар идораларидаги етук мутахассислар тизимни ривожлантирувчи, мустақилликни мустаҳкамловчи асосий кадрлардир. Курсантларни ана шундай тарбияламоқ учун кўпроқ изланмоқ керак. Одатда кейинги дарсимни қандай ўтишни ўйлайман. Бу борада турли интерфаол услубларни қўллашга ҳаракат қиламан. Компьютерда мавзуни ёритиб берадиган слайд-шоуларни тайёрлашни ёқтираман, – дейди қаҳрамонимиз.

Майор Баҳром Муродовдек ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган устозлар бор экан, муносиб кадрлар тайёрланаверади.

Устозни маёққа қиёс этаман. Маёқ йўлни ёритади. Устоз эса шогирдларнинг келажаги учун йўл очди.

**Гули Нигор АВАЗОВА,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратда:** *майор Баҳром Муродов машғулот пайтида.*

**Акмал ХАЙРУЛЛАЕВ**
**олган сурат.**



# ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ



## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

**12-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги.**

**Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, ушбу Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

Фуқароларнинг барча мурожаатлари албатта қабул қилиниб, кўриб чиқилиши керак. Мурожаатни қонун талабларига тўғри келмайди, деган важ билан қабул қилмаслик мумкин эмас.

Мурожаат қабул қилингандан кейин унинг анонимлиги шарҳланаётган Қонуннинг 6-моддаси учинчи қисми қоидаларига кўра аниқланса, у кўриб чиқилмайди.

Мурожаат этувчи мурожаатни давлат органларига давлат тилида ёки бошқа тилда бериши мумкин. Кўзи ожизларнинг нуқтали рельефли имлосида берилган мурожаатларни ҳам давлат органлари қабул қилиши шарт. Мурожаат этувчининг тилини ёки имлосини тушунмаслик уни қабул қилмаслик ҳуқуқини бермайди. Бундай ҳолларда давлат органи томонидан таржимон ёки мутахассис жалб этилиши мумкин. Бу эса таржима ёки тегишли имловий матнни таъминлаш учун мурожаатни кўриб чиқиш муддатини узайтиришга асос бўлиши мумкин. Бироқ ушбу муддат мазкур Қонунда белгиланган максимал муддатдан ошиб кетиши мумкин эмас. Мурожаат бўйича иш юритиш давлат тилида олиб борилади. Мурожаат этувчига жавоб хатлари давлат тилида, мурожаат этувчи давлат тилини билмаган тақдирда эса мурожаат ёзилган тилда берилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган давлат органининг мансабдор шахси томонидан ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқмаслик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради. Унга кўра, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига кўра, мурожаатнинг кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бунда қонуннинг бузилиш даражаси, ундан келиб чиқадиган оқибат, фуқароларнинг кўрган зарари миқдори, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига қай даражада ва қай миқдорда зарар етказилганлиги ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Мурожаат этувчи ўз ариза, таклиф ва шикоятини қабул қилиш ва кўриб чиқишни асоссиз рад этган давлат органи мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати устидан юқори турувчи давлат органига ёки бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда шикоят бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши шарт. Шарҳланаётган Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмига кўра, зикр этилган бир ойлик муддат тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин. Агар шу икки ой муддатда ҳам фуқаро ўз шикоятига жавоб ололмаса ёки унга рад жавоби берилса ёхуд шикоят бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлса, у хоҳишига кўра ўзи яшайдиган жойдаги судга ёки давлат органи жойлашган ердаги ёки хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга мурожаат қилишга ҳақли. Шу ўринда тушунтириш жоизки, фуқарода судга мурожаат этиш ҳуқуқи унинг юқори турувчи давлат органига шикоят қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар мавжуд бўлади, яъни у ўз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни сўраб бўйсунув тартибида юқори турувчи давлат органига ёки бевосита судга мурожаат этиши мумкин.

Судда фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби ва муддатлари шарҳланаётган Қонунда белгиланган тартиб ва муддатлардан фарқ қилади. Бундай мурожаатлар «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси асосида кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган модда давлат органларига фуқароларнинг аноним мурожаатларидан бошқа барча мурожаатларини кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди. Шунинг билан бирга таъкидлаш лозимки, амалиётда баъзан битта давлат органига, айнан бир хил мазмундаги мурожаат билан илгари бир неча бор тегишли жавоб берилган бўлса-да, янги важ ва ҳолатлар келтирмасдан қайта-қайта, яъни такроран мурожаат қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай такрорий мурожаатлар рўйхатга олинса-да, аммо моҳиятан кўрилмасдан қолдирилиши ҳам мумкин бўлади. Мазкур ҳолатда мурожаат этувчига унинг илгариги айни шу мазмундаги мурожаати бўйича муайян қарор қабул қилинганлиги сабабли кейинги мурожаати кўрмасдан қолдирилганлиги кўрсатилган ҳамда агар у қарордан норози бўлса, юқори турувчи давлат органи ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгалиги тушунтирилган жавоб хатининг юборилиши кифоя.

Хорижий амалиёт таҳлили ҳам ана шундай ёндашувнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Масалан, Россия Федерацияси Москва вилоятининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида бу борада муайян қоидалар белгиланган бўлиб, давлат органлари ва мансабдор шахсларга бир шахс (жамоа) томонидан қилинган такрорий мурожаатларда илгариги мурожаатда кўрсатилганидан бошқа янги ҳолатлар қайд этилмаган бўлса, улар кўрмасдан қолдирилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

***(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).***



# ДАЪВО АРИЗАСИ



**• Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза қай тартибда кўриб чиқилади?**

**Ёдда тутинг!**
**Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза ишни кўраётган судья (суд) томонидан ариза тушган куниёқ жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади.**

Агар суд қатъий қарорга келса, даъвони таъминлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Бу ажрим суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

**• Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримдан норози тараф (тарафлар) нима қилиши керак?**

Агар тарафлар ёки тарафлардан бири даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримдан норози бўлса, ушбу ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Борди-ю даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим шикоят берган шахсни хабардор қилмаган ҳолда чиқарилган бўлса, шикоят бериш муддати ажримнинг нусхаси топширилган ёки шикоят берган шахсга суд ажрими маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим ушбу ажримни чиқарган суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи суд мажлисида ҳал этилади.

**• Даъвони таъминлаш натижасида жавобгарга зарар етказилган бўлса, бу зарарнинг ўрни қопланадими?**

Қонунларимизда даъвогарнинг ортиқча талаб қўйишининг олдини олувчи чоралар ҳам назарда тутилган.

Суд (судья) даъвони таъминлаш билан бирга жавобгарга етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплашни даъвогардан талаб қилиши мумкин.

Агар даъво қаноатлантирилмаса, жавобгар даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин даъвогарнинг илтимоси билан даъвони таъминлаш учун кўрилган чоралар натижасида ўзига етказилган зарарни қоплашни даъвогардан талаб қилишга ҳақли.

### СУД ХАРАЖАТЛАРИ

Суд харажатлари:
давлат божи;
ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатдир.

Агар даъвони баҳолаш мумкин бўлса, сиз даъво аризангизда даъво баҳосини кўрсатишингиз ва давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатни аризага илова қилишингиз шарт. Мулкий даъволар бўйича давлат божи миқдори даъво баҳосидан келиб чиқиб, номулкий даъволарда эса энг кам иш ҳақи миқдори билан белгиланади.

Айрим даъволар бўйича даъвогарлар давлат божи тўлашдан озод қилинган, айрим тоифадаги фуқаролар давлат божи тўлашда муайян имтиёзларга эга.

Давлат божидан ташқари суд чиқимлари ҳам бор. Масалан, сизнинг ташаббусингиз билан суд экспертизаси ўтказилса, экспертлар хизмати учун ҳақ тўлаш сизнинг зиммангизда бўлади. Агар бундай экспертиза суд ташаббуси билан ўтказилса, у ҳолда тўлов сиз билан иккинчи тараф ўртасида тенг тўланади.

Суд чиқимларига экспертларга, гувоҳларга тўланадиган сумма, жавобгарни қидириш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар киради. Агар суднинг ҳал қилув қарори сизнинг фойдангизга бўлса, суд чиқимлари иккинчи тараф зиммасига юклатилади ва сизнинг қилган харажатларингиз қопланади.

Агар суднинг ҳал қилув қарори сизнинг фойдангизга бўлмаса, унда суд чиқимларини ўзингиз қоплашингиз лозим бўлади.

**• Давлат божи**

Давлат божи судларга даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда ундирилади.

**• Даъвонинг баҳоси қандай белгиланади?**

Даъвонинг баҳоси қуйидагича белгиланади:

пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — ундириладиган суммага қараб;
мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича — даъво қилинаётган мулкнинг қийматига қараб;
бир қанча мустақил талаблардан иборат даъволар бўйича — ҳамма талабларнинг умумий суммасига қараб;
алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;
муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;
муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;
тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;
тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича — қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;
мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича — шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;
хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича — иморатнинг ҳақиқий қийматига қараб, лекин бу миқдор инвентаризация баҳосидан, инвентаризация баҳоси бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатларга доир даъволар бўйича эса, иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

**Ёдда тутинг!**
**Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.**

***(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).***

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ



Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида шахсий муносабатларни таҳлил этиш, кўпдан бери қийнаб келаётган масалани ҳал қилишга киришишни маслаҳат беради. Безовта қилаётган масаланинг моҳиятини аниқлашда турмуш ўртоғингиз фикрига ҳам қулоқ солинг. Аввалги яқин муносабатларга қайтиш имконияти ҳам туғилиши мумкин. Йўл қўйган хатоларни қайтармасликка ҳаракат қилиб, тўғри хулоса чиқариб олиш лозим.

### СИГИР



Ҳафта турли режаларни амалга ошириш учун қулай бўлади. Ақлий меҳнат, касб маҳоратини ошириш, уй юмушларини бажариш учун имкониятлар кўп бўлиши кутилмоқда. Зарур тайёргарлик ишларини олиб бориш ҳам мумкин. Янги танишув, учрашувлар бўлишига тайёр туринг. Ишқий муносабатлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳафтада шунингдек, ижодий ишлар учун ҳам вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

### ЭГИЗАКЛАР



Бу ҳафтада етти ўлчаб бир кес, қабилида иш тутишга тўғри келади. Молиявий масалаларда тежамкорлик, камхаржлик талаб этилади. Ҳафта ўрталарида муваффақиятга эришиш имконияти туғилади. Кибру ҳавога берилиш ютуқларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Турли миш-миш гапларга қулоқ солмасдан аниқ режалар асосида ҳаракат қилсангиз мақсадга эришасиз.

### КИСКИЧБАҚА



Ҳафтанинг биринчи ярмида хонадонингиз меҳмонларга тўлиши, кўпдан бери кўрмаган қариндошлар ташриф буюриши кутиляпти. Ҳафтанинг иккинчи ярмида уй-жой ва кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш осон кечиши мумкин. Оилавий келишув бўйича муҳим қарор қабул қилиш имкони туғилади. Спорт билан шуғулланиш, қисқа саёҳатга чиқиш, янги танишувлар учун қулай бўлиши кутилмоқда.

### АРСЛОН



Юлдузлар бу ҳафта молиявий масалалар борасида омад кулиб боқишидан дарак беряпти. Маблағни сарфлаш ва кўпайтиришда оқилона иш тутиш, даромадни кўпайтиришга хизмат қилишини унутманг. Дам олиш, куч-қувватни тўплаш учун ҳам вақт ажратинг. Саломатликни сақлаш диққат-эътибордан четда қолмасин. Ҳужжатларни расмийлаштиришда эътиборли бўлиш, икир-чикиригача назорат қилиш талаб этилади.

### БОШОҚ



Юлдузлар бу ҳафта давомида шахсий бюджетни чамалаб, даромад ва харажатларни таҳлил қилиб олиш лозимлигини маслаҳат бермоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида оз сарфлаб, кўп даромад топиш, моддий аҳволни яхшилаб олиш имконияти туғилиши кутилмоқда. Бу ҳафта ташқи кўринишга эътибор бериш, аёллар учун мутахассисдан маслаҳат олиш, соч турмаклашнинг янги усулини қўллаш учун ҳам қулайдир.

### ТАРОЗИ



Дўстларингиз ҳаётида рўй берган воқеалар, улар билан муносабатни, ҳаёт йўлини қайта кўриб чиқишга ундайди. Воқеалар ривожи аввалги фикрлар, режа ва лойиҳаларга қайтишни, яхшилаб таҳлил қилишни талаб этади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстлар билан мулоқот қилиш янги шерик, ҳаммаслаклар топиш мумкин. Янги режалар тузиб олиш имкониятидан унумли фойдаланиш келгусидаги ишларда асқотади.

### ЧАЁН



Ҳафтанинг биринчи ярмида ўтмишингизни ҳар томонлама таҳлил қилиш имконияти бўлади. Агар тўғри хулоса чиқариб, шунга яраша иш юритсангиз янги ютуқларга эришиш имконияти туғилиши мумкин. Эришган муваффақиятларни овоза қилмасдан, сир сақлаган маъқул. Дунёқарашни кенгайтириш учун ўқиш, ўрганишдан эринмай, фаол киришишни маслаҳат берамиз.

### ЁЙ



Юлдузлар бу ҳафтада эски таниш ва дўстлар билан учрашиш имконияти туғилишидан дарак беряпти. Ҳафтанинг биринчи ярми жамоавий лойиҳалар, ихтироларда иштирок этиш учун қулай. Хорижда ўқиш учун янги режа, ғоялар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Меҳрибон, очиққўнгил, сахий инсон эканлигингизни амалда кўрсатишга чоғланинг. Бу мавқеингизни мустаҳкамлайди.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Бу ҳафта давомида шахсий ва ишбилармонлик муносабатларда фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилинг. Билимни ошириш, илмий фаолият, хорижга сафар ва саёҳат қилиш учун қулай бўлиши кутиляпти. Ишқий муносабат туғилиши мумкин. Мақсад ва интилишларни қайта кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Зарур ўзгартишлар киритиш, янги режа асосида қатъий қадам ташлашга ҳаракат қилинг.

### ҚОВҒА



Аввалги тажриба ва билим ҳаётингизда муҳим эканлигини тушунишга ҳаракат қилинг. Бу фаолиятингизда янги қирралар очилишида асосий ўрин тутади. Тўғри йўл танлаш, ўзаро муносабатни яхшилаш имконини ҳам беради. Ҳафтанинг иккинчи ярмидаги аввалги билимлар асосида янгисини мустаҳкамлаш, ҳаёт тажрибасини ошириш мумкин бўлади. Ишқий муносабатлар юз бериши кутиляпти.

### ВАЛИК



Ҳафтанинг биринчи ярмида хавфсизлик масаласига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Шахсий хавфсизликни мустаҳкамлаш учун зарур машғулот билан шуғулланиш фойдадан холи бўлмайди. Уйланмаган йигитлар, асосан турмушга чиқмаган қизлар учун янги муносабат сари қадам ташлаш имконияти туғилади. Бир-бирини тушуниш, илиқ муносабат, меҳр муҳаббат сари етаклаши мумкин.

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 28 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.15 ТелеТеатр: «Учар табиб».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Таҳлилнома».
08.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
09.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Бахт ўзи нима?» М/ф.
10.10 ТВ - анонс.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ - анонс.
11.15 «Обод манзиллар».
11.40 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ шифокори».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Миллий кино: «Хотира рашки».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Вақт машинаси».
15.55 ТВ - анонс.
16.00 «Чинор». В/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Қонун ҳимоясида».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 «Агар Сиз...»
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Олам ва одам» дастури: «Кузнинг илоҳий жилвалари».
23.30 Тунги наволар.
**«Uzbekistan»**
23.40 Кўрсатувлар дастури.
23.45 Миллий кино: «Хотира рашки».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сурхон кулоллари».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Чинор». В/ф.
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қишлоқ шифокори».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Учар табиб».
05.05 «Обод манзиллар».
05.30 «Одамлардан бири».
05.50 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

12.55 Дастурнинг очилиши.
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Гуруҳ босқичи (Такрор)
14.45 «Қишлоғимга хат».
14.50 «Она замин инъомлари».
15.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига: «Келажак эгалари».
15.10 «Ватанпарвар».
15.50 «Устозга таъзим».
15.55 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 Биология дарси. «Микрооламлар».
16.40 «Ҳаёт завқи».
16.55 «Устозга таъзим».
17.00 «KINOMANIYA».
17.30 «Қалбимда сенсан». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Устозлик ҳикмати».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с (Премьера)
20.10 «Автопатруль».
20.30 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
20.40 «Устозга таъзим».
20.45 «Шерюрак». Т/с.
21.35 «Кузги малоҳат».
21.40 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Гуруҳ босқичи (Тўғридан-тўғри эфир.
Танаффус вақтида «Давр»)
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».
00.00 «Ўткан кунлар». Бадиий-ҳужжатли фильм. 1-қисм.
00.25 «Тошкент илҳомлари».
00.30 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Гуруҳ босқичи (Тўғридан-тўғри эфир)
02.30 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Анонс».
15.25 «Куз эртаги». Т/с.
16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.05 «Куйла дилкаш дуторим». Т/ф.
17.30 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Анонс».
19.50 «Саломат бўлинг!» (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Анонс».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
21.20 «Ўйларим».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Анонс».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Маска». Х/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал
10.30 Оғир атлетика. Осиё кубоги.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.50 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати.
20.50 «Футбол шарҳи».
21.20 «Хабарлар»
21.40 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати.
23.40 Оғир атлетика. Осиё кубоги.
00.20 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати.
02.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Троя» худ.фильм
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-10»
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «ЗНАКОМТЕСЬ: ДЭЙВ» худ. фильм
23.40 Миксер

### «ЎзНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»
07.00 Тонгги мусиқий бекат
07.30 «Парламент соати»
07.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08.00 «Яхши кайфият»
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»
09.10 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09.30 «Вассаби» б/ф
11.00 «Кутилмаган томоша»
11.10 Ҳужжатли фильм
11.35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11.45 «Тарона»
12.15 «Бизнес репорт»
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13.30 «Ҳижрон» т/с
14.00 Кўнгил наволари
14.30 Болалар учун фильм
16.00 «Нинза тошбақалар» мультфильм
17.00 Болалар соати: «Янги авлод»
17.40 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
18.00 «Асрлар садоси»
18.30 «Тарона»
19.00 Ҳужжатли фильм
19.40 «Адашганлар қисмати» х/ф
19.55 «Азия-лото»
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
21.00 «Ҳижрон» т/с
21.30 «Бизнес-репорт»
21.45 Кечки мусиқий бекат
22.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
22.30 «Яхши кайфият»
23.00 Кечки кинозал: «Тузоқ» б/ф
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
00.20 «Уйқу қочганда» мусиқий дастур

ТЕРРОРИЗМ БАЛОСИ

**Яқинда Буюк Британиянинг «Cuardian» газетаси «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти бугунги кунда ўз бошидан катта инқирозни кечираётгани ҳақидаги хабарни чоп этди. ИТАР-ТАСС мухбирининг таъкидлашича, мақола Ғарб мамлакатлари разведкаси маълумотларига таянган ҳолда ёзилган. Унда айтилишича, ҳозирда «Ал-Қоида»нинг фаол аъзолари сони 200 нафарни ташкил этади, холос. Шунинг учун улар сўнгги пайтларда йирик террорчиликларни амалга ошира олмаяпти. Бундан ташқари, ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш ишлари ҳам издан чиққан. Гуруҳнинг биринчи рақамли йўлбошчиси Усама Бен Лодин эса Покистоннинг шимоли-ғарбидаги тоғларга яширинган. «Бу унинг сўнгги қўнимгоҳи, — деб ёзади газета. – Агар шу ҳудуд ҳам коалицион кучлар назоратига олинса, террорчилар йўлбошчилари қолмайди».**

# ЧЕГАРА БИЛМАЙДИГАН ОФАТ

«Guardian» газетаси мухбирининг фикрича, Ғарб террорга қарши самарали курашиш йўлини топди. Террорчилар жойлашган ҳудудлар учувчисиз бошқариладиган техникаларда бомбардимон қилинмоқда. Бу ҳаракатлар туфайли «Ал-Қоида» аъзолари ўртасида бошбошдоқлик вужудга келди. Улар бир-бирини сотқинликда айбламоқдалар. Илгари гуруҳнинг ўнлаб йўлбошчиси бор эди, бугун улар сони тўрт-бештани ташкил этмоқда. Уларнинг энг ашаддийлари Бен Лодин ва Айман аз-Завахирийларнинг ҳам аҳволи оғир. Улар тез-тез жойини алмаштириб, яшириниб юришга мажбур бўлишмоқда. Натижада вазиятни назорат қила олмаяпти.



Албатта, газетадаги мақола битта террорчилик ташкилоти ҳақида ёзилган. Аммо бу террор чекинаяпти, дегани эмас. Жаҳон оммавий ахборот воситаларини кузатсангиз, ҳар куни дунёда террорчилар томонидан кўплаб хунрезликлар амалга оширилаётгани, бунинг натижасида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлаётгани ҳақидаги хабарларга дуч келасиз. Масалан, Кавказ бугун дунёнинг энг нотинч нуқталаридан бирига айланиб қолди. Гоҳ Доғистонда, гоҳ Ингушетияда, гоҳ Чеченистонда, гоҳ Жанубий Осетияда портлашлар, қотилликлар, милиция постларига ҳужумлар уюштирилмоқда.

Ироқдаги вазият ҳалиҳамон изга тушадиганга ўхшамайди. Гарчи ҳудудлар назорати Ироқ армияси ва маҳаллий полиция қўлига ўтган бўлса-да, террорчилар тинчишмаяпти.

Яқинда Буюк Британия суди террорчилик билан боғлиқ мудҳиш бир ишни кўриб чиқди. Суднинг қора курсисига ўтирган кишилар террорчилик уюштиришга тайёргарлик кўрганликда айбдор, деб топилди. Текширувлар натижасида улар худди Нью-Йоркдаги фожиани қайтаришни, яъни йўловчи самолётларни қўлга олиб, йирик биноларга уришни режалаштиришган. Яхшиям, ушбу фожианинг олди олинди. Бўлмаса, минглаб бегуноҳ инсонлар террор қурбонига айланиши мумкин эди.

Афғонистонга коалицион кучлар кирганига салкам ўн йил бўлиб қолди. Лекин энг замонавий қуролларга эга бўлган НАТО қўшинлари ҳам мамлакатдаги «Толибон» террорчилик гуруҳини бартараф эта олмаяпти. Яқинда ёнилғи солинган цистерна портлатилган эди. Ўшанда толиблар билан бирга кўплаб тинч аҳоли вакиллари ҳам ҳалок бўлди. Бу эса маҳаллий аҳолида коалицион кучларга нисбатан ишончсизлик уйғотмоқда. Аслида бу террорчиларга қарши амалиётлар чоғида тинч аҳоли азият чеккан биринчи воқеа эмас. Аҳоли ўртасида НАТО кучларига ишонч камайиб бормоқда. Буларнинг бари уларни террорчилар билан яқинлашишига олиб келаяпти.

Албатта, дунёнинг бошқа нуқталарида ҳам ҳали террорчилар камайгани йўқ. Яқин Шарқда, Испанияда, Покистон, Ҳиндистонда содир этилаётган хунрезликлар ҳали улар тақдирга тан бермаганини кўрсатиб турибди. Кўплаб мутахассислар «Ал-Қоида» ҳали биз ўйлаганчалик кучсиз эмаслигини таъкидлашмоқда. Масалан, АҚШ Марказий разведка бошқармаси собиқ ходими Брюс Риделнинг фикрича, «Ал-Қоида» ҳамон жуда хавфли. Сингапур стратегик тадқиқотлар институти ходими Рохан Гунаратна шундай ёзади: «Сўнгги саккиз йилда икки юзга яқин террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Уларнинг учдан бири Европа ва Шимолий Америкада амалга ошиши керак эди». Шундай экан, уларни кучсизланди, дейиш тўғримикан?

Террорчиларни йўқ қилиш учун, аввало, унга қарши кучларни бирлаштириш лозим. Айрим террорчилик ташкилотлари Европанинг марказидаги давлатларда бемалол фаолият кўрсатаяпти. Уларни маблағ билан таъминлаётган ташкилотлар ҳам бемалол ишлаб турибди. Афғонистондаги, Лотин Америкасидаги кўплаб гиёҳвандлик моддалар олинадиган ўсимликлар плантациялари улар қўлида. Террорчилар гиёҳвандлик моддалари савдосидан миллиардлаб доллар фойда кўраяпти.

## 500 ЙИЛЛИК ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

Бразилияда икки нафар собиқ полициячи 29 кишининг ўлдирилишига алоқадорлиги учун 500 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Таъкидланишича, Бразилия қонунларига кўра, қамоқ муддати 30 йилни ташкил қилади. Тўрт йил муқаддам полициячилар гуруҳи Рио-де-Жанейро шаҳри теварагидаги барлардан бирига ташриф буюрганлар ва ўткинчиларга қарата ўт очишган. Айбдорлар ҳанузгача воқеанинг сабабларини тушунтира олишмаяпти.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА АФЗАЛЛИКЛАРИ



**Ҳозирги кунда пластик карточкалар жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатида харид қилинган товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китобларнинг тезкор, қулай ва ишончли воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Пластик карточка соҳиби махсус ускуна (терминал, инфокиоск) ёрдамида ўз маблағининг ҳолати ва унинг ҳаракатланиши тўғрисидаги барча маълумотларга бир неча сония ичида эга бўлиши мумкин.**

Пластик карточка унинг эгаларига қуйидаги қулайликларни яратади:

— ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги вақтни тежайди;

— қолдиқ маблағга фоиз кўринишидаги қўшимча даромад олиш;

— товар харид қилиш ва хизматларга ҳақ тўлаш учун банкдан имтиёзли истеъмол кредитини олиш имконияти;

— пул маблағини йўқотиш, ўғирлатиш ёки ҳисоб-китобдаги хатоликлар билан боғлиқ бўлган йўқотиш хавфини минималлаштириш;

— қоғоз пулни сохталаштириш, эски ва яроқсиз пул билан боғлиқ хавфлардан холи бўлиш;

— банк пластик карточкаларида сақланаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

— ҳар қандай жойда ва исталган вақтда масофадан туриб ўз молиявий активларини бошқариш имконияти;

— харид қилинган товар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб операцияларини индивидуал пластик карточкалар орқали амалга ошириш, нақд пул маблағидан фойдаланишга нисбатан гигиеник жиҳатдан афзалдир.

АКС САДО

# НОРАСИДА НЕГА ҚОТИЛГА АЙЛАНДИ?

**“Постда” газетасининг жорий йилнинг 6 июнь сонида “Келажакка тортилган қора чизиқ” сарлавҳали мақолани ўқиб жуда таъсирландим. Унда 10 яшар икки тенгдошнинг муштлашиб, бири иккинчисининг ҳаётига зомин бўлгани ҳақида ёзилган.**

Савол туғилади: ўн яшар бола бундай ваҳшийликни қаердан, кимдан ўрганди? Қишлоқда, меҳнат билан чиниққан, укасига меҳрибон, ота-онасининг суянган тоғи бўлган норасида нега қотилга айланди? Уни жиноятчига айлантирган муҳит, шарт-шароитни қандай изоҳлаш мумкин? Менимча бу саволларга ҳар биримиз жавоб топишга ҳаракат қилишимиз керак. Техника тараққий этган замонда яшаяпмиз. Компьютер, телевизор, видеотехникалар ҳозир деярли ҳар бир хонадонда мавжуд. Уларда жангари ва даҳшатли фильмлар, ўйинларни кўриш одатий ҳол бўлиб қолган. Ақлини таниб олмаган, фикр-доираси шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз уларга жуда ишқибоз. Биз ота-оналар эса улар бизга халақит бермай, тинчгина телевизор атрофида ўтирганидан хотиржаммиз. Фарзандимиз телевизордан нима кўряпти, компьютер ўйинларидан нималарни ўрганаяпти? Асло қизиқмаймиз. Бу фильмлар болаларимизни шафқатсиз, ваҳшийликка ўргатмаяптими? Уларнинг ахлоқига салбий таъсир қилаётгани билан ишимиз йўқ. Лекин кутилмаганда фарзандимизнинг қўрс, қўпол, бемаъни хатти-ҳаракатига кўзимиз тушиб ҳайронлигимиз ошади.

Мен онаман. Беш яшар ёлғиз ўғлим вояга етаяпти. Ундан умидим катта. Лекин бола азиз, одоби ундан ҳам азиз, дейишади. Баъзан унинг мультфильмлардагидек жангари хатти-ҳаракатларига кўзим тушганда хавотирга тушаман. Бола кўрганини такрорлашга ҳаракат қилади. Ундан андоза олади. Шунинг учун аввало оилада муҳит соғлом бўлса, болалар, айниқса, ўсмирлар тарбиясига, уларнинг машғулотига бефарқлик қилинмаса, мақсадга мувофиқ бўларди. Фарзандимиз бўш пайтида нима билан машғул, у қандай фильмларни томоша қилаяпти, қанақа компьютер ўйинларини ўйнаяпти? Буни биз билишимиз шарт. Менимча ана шунда фарзандимизнинг тарбиясида ҳам, маънавиятида ҳам муаммо бўлмайди. Унинг комил инсон бўлиб етишишига замин ҳозирлаган бўламиз. Бемеҳрлик ва тарбиясизлик эса инсонни жиноят сари бошлайди.

Фарзандларимизни бу каби салбий ҳолатлардан Яратганнинг ўзи асрасин! Бунинг учун биз ҳам бепарво бўлмаслигимиз зарур.

**Махсума АДИЗОВА,**
**сержант.**
*Бухоро вилояти.*

МУЛОҲАЗА

# БОҒЛОВЧИ РАҚАМЛАР ЗАРУР

Баъзан ички ишлар идорасига мурожаат қилишимизга тўғри келиб қолади. Илгари бундай вазиятда хонадондаги телефон орқали «02» рақамига сим қоқиларди. Ҳозирда унинг ўрнини уяли телефонлар эгаллаб бораяпти. Уяли телефондан эса «02»га қўнғироқ қилиб бўлмайди. Туман ёки шаҳар ички ишлар бўлимига қайси рақамлар орқали боғланиш мумкинлиги кўпчиликка номаълум. Шу сабабли керакли пайтда алоқа ўрнатишда қийинчилик туғилмоқда.

Ҳурматли таҳририят. Ички ишлар идораси билан боғланиш учун зарур бўлган рақамларни билиб қўйиш нафақат мен, балки бошқа юртдошларимиз учун ҳам фойдали, деб ўйлайман. Ушбу рақамлар газетада ёритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Р. МЕНГИРОВ.**
**Қашқадарё вилояти**
**Қамаши тумани, Ногаҳон қишлоғи.**

 E-mail: urmvd@inbox.uz

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМИНИНГ МАЪНАВИЯТИ

## ҳамда уни юксалтириш юзасидан айрим мулоҳазалар

Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатда ҳам тараққиёт авваламбор, инсониятнинг маънавий камолоти билан белгиланади. Биз тарихи буюк халқмиз. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан илму фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлигини бутун дунё билади. Биз ана шу аждодларимизга муносиб, маънавияти ва маърифати юксак авлодлар бўлишимиз зарур.

Шу боисдан ҳам, муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида барча замонларда ҳам одамзод учун буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳар томонлама кенг қамровли фикр-мулоҳазалар орқали ёритиб берилган.

«... Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз», – дейилади ушбу асарда.

Демак, мамлакатнинг ривожида унда яшайдиган инсонлар маънавиятининг ўрни ғоят беқиёсдир. Халқнинг ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун масъул бўлган ички ишлар идоралари ходимлари эса маънавият ва маърифат соҳасида барчага ўрнак бўлишлари зарур.

«Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти деб уларнинг ўзларини ўзбек халқининг бир вакили деб билган ҳолда она-Ватанининг тупроғини, сувини, ҳавосини ва жамики бойликларини кўз қорачиғидай асрашлари ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний тарзда чин виждон, имон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довюраклик, беғаразлик, ҳурмат, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан ҳимоя қилишга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуига айтилади», – деб таъриф бериладн бу соҳанинг мутахассиси Н. Муҳаммадиевнинг «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти» номли (ИИВ Академияси нашриётида 1998 йилда чоп этилган) китобида.

Таъбир жоиз бўлса, мен ички ишлар идораларига қабул қилинган ҳар бир ходим ишни энг аввало, ана шу китобни ўқиб чиқишдан бошлашини тавсия қилган бўлар эдим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тизимдаги олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тасдиқланган ушбу китобда ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқи ва эстетик маданиятининг вужудга келиши, таркибий тузилиши, категориялари, принцип ва нормалари, улуғ аждодларимизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги ўгитлари ҳамда ходимларнинг муомала маданияти, терговфаолиятининг ахлоқий-маънавий муаммолари, жиноятчилар дунёсининг ахлоқи, касбий бузилиш ва уни бартараф этиш йўллари, маънавият ва маърифат ишларини ташкил этишга доир назарий ва амалий қоидалар, аниқ ва равон қилиб баён этилган.

«Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади... Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради», – дейилади Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида.

Бу эса, ички ишлар идоралари сафида маънавиятли ходимларнинг кўпроқ бўлиши учун энг аввало эътиборни ишга қабул қилинаётган номзодларни тўғри танлашга қаратиш кераклигидан далолат беради. Оилада яхши тарбия кўрмаган, аждодлар маънавий меросидан бехабар, маънавий бойликка эмас, кўпроқ моддий бойликка интиладиган ёшларнинг ички ишлар идоралари сафига кириб қолиши энг катта муаммоларимиздан биридир. Мумтоз адабиёт намояндаларидан бири бўлган Мирзо Бедилда:

***Аввало ғиштни қийшиқ***
***қўяркан меъмор,***
***Юлдузга етса ҳам***
***қийшиқдир девор,***

деган сатрлар бор. Дарҳақиқат, эгри қўйилган пойдевор устига қанчалик уриниб ғишт терманг, девор барибир қийшиқлигича қолаверади.

Маълумки, ички ишлар идоралари сафига 25-30 ёшгача бўлган ва Низомда белгиланган тартиб-қоидаларга мос келадиган йигит-қизлар қабул қилинади.

Бу ёшга етгунча уларда моддий ёки маънавий бойликка интилиш иштиёқидан бири шаклланиб улгурган бўлади. Агар маънавий баркамолликни ҳаёт йўли деб билган номзод ички ишлар идоралари сафига хизматга қабул қилинса, бу бизнинг бахтимиз, агарда аксинча моддий бойликка иштиёқманд номзод сафларимизга кириб қолса, таъбир жоиз бўлса бу бизнинг ташвишимиздир. Чунки, моддий бойликка ружу қўйган (ва маънавиятни иккиламчи деб билган) шахс барибир ўз манфаатларини жамият манфаатидан устун қўяди ҳамда тамагирлик, порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ва бошқа қонунбузарликлар содир этишга мойил бўлади.

Кадрлар масаласига тўхталар экан, ҳурматли вазиримиз генерал-лейтенант Б. Матлюбов ҳам ҳар бир йиғилишда, энг аввало ишга қабул қилинаётган номзоднинг билими, маънавияти ва асл мақсади, ички ишлар ходими бўлишга лойиқми ёки йўқми, шуни жиддий ўрганиш кераклигини таъкидлайдилар. Аммо жойларда бу борада баъзан шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда. Бир пайтлар савдо-сотиқ соҳасига ихтисослаштирилган таълим муассаларини битирган ёшлар иложи борича ички ишлар идораларига ишга қабул қилинмасди. Бугунги кунда эса бизнес мактаблари, тадбиркорлик ва бошқа шунга ўхшаш касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ҳам баъзи ҳолларда ички ишлар идоралари сафига кириб қолишмоқда ҳамда моддий бойликка ўчлиги баъзан уларга панд бериб қўймоқда. Қонунчилик ва хизмат интизомини бузган ходимларнинг аксариятини шу тоифадагилар ташкил этиши фикримизнинг далилидир.

> ***«Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.***
> **Абдулла АВЛОНИЙ.**




Шу боисдан, ички ишлар идораларига сафига ишга қабул қилишда, энг аввало номзоднинг ишга киришдан асл мақсади нимадан иборат эканлигини билиб олиш жуда муҳим масала. Бу борадаги ишларга педагог ва психологларни жалб этиш жуда фойдали бўлар эди.

«Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», – дейилади Президентимизнинг юқорида қайд этиб ўтилган асарларида.

Дарҳақиқат, инсон маънавиятининг шаклланишида таълим-тарбиянинг жуда муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруқлари талаблари асосида ички ишлар идораларида ўтказиладиган «Маърифат» дарслари, «Сиёсий-ижтимоий сабоқ» машғулотлари, «Ички ишлар идораларининг Касб одобномаси»ни ўрганиш ва унга амал қилиш таниқли адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар бошқа оммавий-маданий тадбирлар ҳамда ходимлар билан олиб бориладиган якка тартибдаги тарбиявий ишлар барчаси – ходимларнинг маънавиятини юксалтиришга, дунёқарашини кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлардир. Лекин ходимларимиз фақат шулар билан чегараланиб қолмасдан ўз дунёқарашларини, билим ва савияларини ошириш учун мустақил равишда тинимсиз ўқиб-ўрганишлари, изланишлари лозим. Чунки, илм чироғи ҳамиша одамзоднинг ҳаёт йўлини ёритиб келган.

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбарияти томонидан таълим-тарбия ишлари ривожига катта эътибор бериб келинмоқда. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида ҳам шу мавзудаги кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Вазирлик таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнининг қай даражада ташкил этилгани ҳам уларни битириб чиқаётган ёш мутахассис кадрларнинг маънавиятига, уларнинг ўз олдиларига қўйилган вазифаларни қанчалик садоқат билан бажаришларига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан, бу таълим муассасаларида бўлажак ички ишлар идоралари ходимларини тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бу борадаги ишларнинг бугунги аҳволига холисона баҳо бериш учун эса сўнгги йиллар мобайнида қонунчилик ва хизмат интизомини бузган ёки салбий хатти-ҳаракатлари учун ички ишлар идораларидан бўшатилган ходимлар орасида мазкур таълим муассасаларида таълим олган мутахассислар кадрлар неча фоизни ташкил этаётганлигини таҳлил қилишнинг ўзи етарли.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти қанчалик юксак бўлса, уларнинг амалга ошираётган ишлари ва эришаётган ютуқлари шунча кўп бўлади. Юксак маънавият соҳиби бўлиш учун энг аввало, инсоннинг ўзида хоҳиш, иштиёқ бўлмоғи лозим. Агар инсоннинг ўзида хоҳиш-истак бўлмаса, унинг онгига маънавиятни зўрлаб сингдириб бўлмайди. Юксак маънавиятли ходим Ватанига муҳаббатли, бурчига садоқатли, аждодлар жасоратига содиқ, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга масъулиятли бўлади.

Инсоннинг, шу жумладан, ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти унинг муомала маданиятидан, билим ва тафаккуридан, дунёқарашидан, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатидан, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсата олиш каби фазилатлардан маълум бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўз маънавияти, ақл ва идроки ҳамда ахлоқ-одоби билан эл-юрт орасида танилган устоз-мураббийлар, генералларимиз, ҳамкасбларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан бажариш жараёнида баъзилари ўз илмий ишлари, ихтиролари, айримлари жамоат ишларида фаол иштироклари, шунингдек, ўз ижодлари, фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги хизматлари билан жамият ҳаётининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бундай фидойи, юксак маънавият соҳиби бўлган ҳамкасбларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Аммо афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, сафларимизда айрим маънавий дунёқараши тор, қўпол ва ўз манфаатини ўйлайдиган ходимлар ҳам оз бўлса-да, учраб турадики, буни айтмай ўтмаслик масалага бир томонлама ёндашиш бўлар эди. Шундай ходимлар ҳам борки, фуқароларга хушмуомала, ҳамкасбларига нисбатан каттага ҳурмат, кичикка иззат тарзида муносабатда бўлиш кераклигини унутиб қўйишган чамамда. Масалан, айрим унвони кичик ёш ходимларимиз ёнларидан юқори унвонли ҳамкасблари (подполковник, полковник)лар ўтса ҳам «честь» бермай қараб тураверишади ёки кўриб-кўрмасликка олишади. Ахир «честь» бериш бу ҳарбийча саломлашиш, ўзидан унвони каттага ҳурмат-эътибор белгисику! Афсуски, айрим ходимларимиз буни тушунишмайди. Четдан қараганда бу ҳол жуда хунук кўринади. Айниқса, оддий фуқаролар ҳам буни ажабланиб кузатишади. Шу боисдан, ёш ходимларимиз бу борада ўз феъл-атворларига тегишли ўзгартиришлар киритишлари зарур.

Ички ишлар идораларининг муомала маданияти ҳам жуда муҳимдир. Баъзан ходимларнинг фуқаролар билан тортишиб ёки жанжалашиб қолишларига кўп ҳолларда гоҳ у, гоҳ бу томондан муомала маданиятига амал қилмаслик, яъни ўзаро қўрс, қўпол муносабатда бўлиш сабаб бўлади десак, адашмаган бўламиз. «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутиб, ҳаётда учрайдиган нуқсон ва камчиликларга бепарволик билан ёндашсак, уларни кескин фош этиб, уларга қарши курашмасак, кўзланган натижага эриша олмаймиз.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **«Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».**

Демак, биз ички ишлар идораларининг жаҳон ҳамжамиятидаги ва халқ орасидаги нуфузини оширишимиз, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасидаги кўзланган натижага эришишимиз учун ходимларимизнинг ақл-идроки ва тафаккурини янада оширишимиз, улар маънавиятини қудратли кучга айлантиришимиз зарур. Бунга эришиш учун эса барчамизнинг олдимизда ҳали кўплаб шарафли ва масъулиятли вазифалар турибди. Қўлни қўлга бериб бу вазифаларни ҳамжиҳатлик билан амалга оширишимиз зарур.

**Зикрилло НЕЪМАТОВ,**
**полковник.**

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

# ФАОЛЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Профилактика инспектори, капитан Шавкат Бойбеков хонасида Оқтепа маҳалласи посбони Анвар Дўстмуродов билан суҳбатлашиб ўтирган эди фаоллардан бири Аъзам ака Тошбоев кириб келди.

— Тўлқиннинг уйидан келяпман, яна ўша машмаша. Синглиси билан ҳовли талашиб, роса жанжаллашибди.

— Нима қилсак улар ярашиб, муросага келишади? — савол берди профилактика инспектори.

— Мен кеча оқсоқол билан суҳбатлашгандим, ҳовлини иккига бўлиб берамиз. Тўлқиннинг ўғли учун туман ҳокимлигидан ер ажратиб беришларини сўраймиз, — деди Аъзам ака. — Ана шунда муаммо ҳал бўлади.

Зоминлик Тўлқин Алимов турмушдан қайтиб келган синглиси билан жой талашиб, жанжал кўтаради. Чунки у ўғлини уйлантирган, кейингиси ҳам тайёр.

— Мана шундай оилавий жанжалларни ижобий ҳал этилишида маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига суянамиз, — деди Зомин тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан Шавкат Бойбеков. — Чунки улар ҳар бир хонадонни, одамларни яхши билишади. Ота-онаси, қариндош-уруғларини танийди. Яна бир томони ҳар бир фуқаронинг дардини кимдандир эшитади.

Капитан Шавкат Бойбеков Зомин шаҳридаги Собир Раҳимов номли, Шароф Рашидов номли ва Оқтепа маҳаллаларига хизмат кўрсатади. Етти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган ҳудудда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани сабаб кейинги йилларда жиноятчилик кескин камайди. Йилнинг ўтган даврида оғир жиноятлар содир этилмади, ўғрилик бўлишига йўл қўйилмади.

— Биз жиноят содир этишга мойил кишиларни, айниқса, ёшларни қатъий назоратга олганмиз, — дейди профилактика инспектори. — Албатта, ҳамма номаъқул ишлар бекорчиликдан, ичкиликбозликдан келиб чиқади. Шунинг учун ишсиз юрганларга муқим иш жойи топиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Илгари судланиб жазо муддатини ўтаб келганларни ишга жойлаштиришда маҳалла фаоллари бош-қош бўлишяпти. Масалан, қалбаки ҳужжатлар тайёрлагани учун қамалиб чиққан Маҳмуд Бозорбоевни фермер хўжалигига ишга жойлаб қўйдик. Ҳозир оиласи билан тинч-тотув яшаяпти. Давлат мулкини ўзлаштиришда айбланиб, шартли равишдаги жазога тортилган Ойдин Шодиевани муддатидан олдин жазодан озод қилиш ҳақида маҳалла фаоллари билан келишиб тақдимнома киритишга қарор қилдик. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, маҳалла аҳли ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш фақат ички ишлар ходимларининг иши эмаслигини тушуниб етишяпти.

Ҳа, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик билан амалга оширилган иш самарали бўлади. Зомин шаҳарчасидаги профилактика инспектори, капитан Шавкат Бойбеков хизмат қилаётган маҳаллаларнинг ибратли, деб топилишида ҳам ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

# ЗИЙРАКЛИК УЛАРГА ХОС

***Транспорт ИИБ республика темир йўлларида аммиакли селитра ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальони ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Улар мамлакатимиз пўлат изларида аммиакли селитра, баъзан эса хавфли юклар ортилган вагонлар белгиланган манзилга беталафот етиб боришини таъминлашади. Чет эл ва МДҲ давлатларидан келадиган ёки чиқиб кетадиган юклар ҳам уларнинг назоратида.***

Ходимлар ҳар бир вагонни кўздан кечириш ва кузатиб боришда зийраклик билан хизмат қилишаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, юклар ҳеч қандай талон-торожсиз ўз манзилига етиб бормоқда. Алоҳида милиция батальони ва Чуқурсой тармоқ ИИБ ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани сабабли саккизта ташмачилик ҳолати аниқланиб, қонунбузарлар ушланди.

— Жамоамиз жуда аҳил, — дейди Чуқурсой темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича 1-гуруҳ командири, сержант Комил Абдувалиев. — Эллик тўрт нафар ходимнинг касб маҳорати, билим савияси, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ички ишлар вазирлигининг меъёрий буйруқларини ўрганиш, хизмат интизоми ва қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик, шахсий таркиб ўртасида соғлом муҳитни яратиш мақсадида тарбиявий ишлар якка тартибда олиб борилишига алоҳида эътибор берилаяпти.

— Жорий йилда ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашган ходимлар муносиб рағбатлантирилди, — дейди республика темир йўлларида аммиакли селитра ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальони ШТБИГ катта инспектори, майор Жамолиддин Султонов. — Бундан ташқари, оилавий шароити туфайли ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда.

Шароит тўкис бўлган жойда ишда унум, хизматда эса самарадорликка эришилади. Батальон ходимлари яратилган қулайликларга жавобан фидойилик кўрсатиш, эл-юрт осойишталигига муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилишаяпти. Зеро, Ватанга хизмат қилиш — олий бахт.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ОСОЙИШТАЛИККА МАСЪУЛЛИК

**Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишаяпти. Бошқарма раҳбарияти уларнинг дунёқарашини шакллантириш, касбий ва жанговар маҳоратини ошириш ҳамда билим савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлар талабларини ўзлаштириш ва қонунчиликка риоя этиш юзасидан режа асосида ўқув машғулотлари олиб борилаяпти. Шунингдек, узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган фахрийлар, мураббийлар ҳамда етакчи мутахассислар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, кекса авлод тажрибасини чуқур ўрганиш, хизмат интизомига қатъий риоя этиш юзасидан тегишли маслаҳатлар берилмоқда.**



Вилоят ҳудудида ўтказилаётган кенг қамровли профилактик тадбирларда ҳам соҳа ходимлари фаол иштирок этаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида турли ҳуқуқбузарликлар содир қилган 2500 нафарга яқин фуқарога нисбатан маъмурий баённома тузилиб, қонуний жавобгарликка тортилди. 25 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

Масалан, Урганч кийим-кечак бозорида харид қилиб юрган Ш. Каримованинг 400 минг сўм пули номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. Бундан хабар топган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряди гуруҳ командири, сержант Ойбек Жуманиёзов ҳамда 2-отряд милиционери, кичик сержант Жасур Юсупов гумондорни қисқа фурсатда далилий ашё билан қўлга олишди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Вилоятда ўтказилган «Арсенал» тадбирида бошқа соҳавий хизматлар билан бирга ходимларимиз ҳам фаол иштирок этишди, — дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ назорат-лицензиялаш тизими катта инспектори, майор Ойбек Раҳимов. — Тадбир давомида 115 та объектнинг техник мустаҳкамлиги, меъёрий тартиб-қоидаларга риоя этилиши текшириб чиқилди. Шунингдек, ноқонуний равишда қурол сақлаш билан боғлиқ бўлган 48 ҳолат аниқланди. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 25 нафар фуқаро ўз хоҳиши билан ов қуролларини ички ишлар идорасига топширди. Масалан, Урганч тумани Чолиш қўрғонида яшовчи Ж. Бахтиёр ўз уйида Россия Федерациясининг «Тула» заводида ишлаб чиқарилган ов қуролини 4 дона жанговар ўқи билан ҳеч қандай ҳужжатсиз сақлаётгани маълум бўлди ҳамда қонуний чора кўрилди.

Бошқарма ҳудудида ходимларнинг касбий ва жанговар маҳоратини ошириш мақсадида машғулот майдончалари ташкил этилган. Бу ерда улар доимий равишда спорт билан шуғулланишади. Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спорт турлари бўйича ўтказилаётган вилоят ҳамда республика мусобақаларида патруль-пост хизмати ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Бошқармада ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. ППХ батальони 1-отряд милиционерлари, сержантлар Расулбек Тогонов, Ойбек Худойберганов, 2-отряд милиционери, кичик сержант Жасур Юсупов, гуруҳ командири, сержант Ойбек Жуманиёзовлар ана шундай фидойи йигитлардан саналади. Улар жамоат тартибини сақлаш билан бирга содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** ***вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ назорат-лицензиялаш тизими катта инспектори, майор Ойбек Раҳимов хизмат пайтида.***

**Муаллиф олган сурат.**

***Андижон шаҳри — Янги ва Эски шаҳар ҳудудларидан иборат. Янги шаҳарда қад ростлаган замонавий бинолар шаҳар кўзни қувнатса, Эски шаҳар ўтмиш ва бугунги кунни ўзида мужассам этган. Бу ерда истиқомат қилаётган 270 мингдан зиёд юртдошларимиз ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бир нечта бозор, ишлаб чиқариш корхоналари, истироҳат боғлари, ўрта ва олий ўқув юртларининг мавжудлиги ҳам бу жойнинг асл қиёфасини намоён этади. Ҳудуд тинчлиги, осойишталигини таъминлаш Андижон шаҳар ИИБ 2-бўлинмаси ходимлари зиммасида.***

# ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

— Эски шаҳарда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида 35 та милиция таянч пункти ташкил этилган. Уларда 64 нафар профилактика инспектори хизмат қилмоқда, — дейди бўлинма бошлиғи, подполковник Бобуржон Қосимов.

Олиб борилаётган профилактик ишларга қарамай, баъзи кўнгилсизликлар ҳам юзага келаётир. Айниқса, ўғрилик, талончилик, тан жароҳати етказиш, безорилик каби жиноятлар содир этилмоқда. Масалан, Андижон Давлат тиббиёт институти талабаси Х. Неъматов бўлинмага мурожаат этиб, номаълум шахслар ёнидаги қимматбаҳо уяли телефонини олиб қўйишганини маълум қилди. Зудлик билан ишга киришган ички ишлар ходимлари талончиларни аниқлаб, қўлга олдилар.

Кейинги пайтда «Paynet» дўконларида юзага келаётган ўғриликлар ходимларни янада сергаклантирмоқда. Негаки, бундай савдо шохобчалари ҳудудда юздан ортиқ. Ўғриликлар таҳлил қилинганда дўконларнинг бирортаси қўриқлаш пультига уланмагани аниқланди. Эътиборсизликни қарангки, бу жойлардаги асбоб-ускуналар туни билан қаровсиз қолиб кетар экан.

Содир этилган жиноятларнинг 95 фоизи ўз вақтида очилишига эришилмоқда. Бу борада ходимлардан, майор Ш. Ҳусанов, капитан А. Холматов, катта лейтенант М. Ҳайдаралиев сингари фидойи ходимларнинг хизматлари катта бўлаяпти.

Осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари билан ўрнатилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Қолаверса, ходимларга яратилган шарт-шароитлар ҳам хизматни намунали олиб бориш имконини бермоқда.

Андижон шаҳрининг энг гавжум ҳудуди ҳисобланган Эски шаҳарда амалга оширилаётган ибратли ишлардан кўнглимиз тўлди. Чунки эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун бор имконият ишга солинаётганига амин бўлдик.

**Борис КЛЕЙМАН.**
*Андижон вилояти.*

МУНОСАБАТ

# АДАШГАНЛАР УЧУН ТУЗОҚ

*Шу йил баҳорда Қорақалпоғистондаги муқаддас қадамжоларда бўлдим. Аввал бутун мусулмон оламида машҳур бўлган авлиё Султон Увайс Қароний ҳазратлари хилхонасини, сўнг тахминан эллик километр узоқликдаги Кечирмас ота мақбарасини зиёрат қилдик. Бир пайт «Газель»-да Самарқанддан бир гуруҳ зиёратчилар келиб қолди. Улар орасидаги бир йигитнинг хатти-ҳаракатидан ҳамма ҳайратланди. Кўзлари олазарак, юзи қизариб кетган, ўзини қўйишга жой тополмайди, ўзича сўкиниб гапиради, гўё бировлар билан муштлашадигандек ҳолатда. Тўғриси, шайтон васвасасига тушган бу одамдан қўрқиш билан бирга унга раҳмингиз ҳам келади.*

У билан бирга келганлар орасида ёши ўттизлардан ошган йигит ҳам бор эди. Унинг исми Алишер экан. Уни четга чақириб сўрадим:

— Нега бу йигит бундай аҳволда?

— Қорадори истеъмол қилади, ҳозир «дарди» қўзиб, хуруж қиляпти, — деди у.

— Бир жойданмисизлар?

— Ҳа.

— Унда нега дўхтирга олиб бормай бу ерга олиб келдинглар?

— Ота-онаси, қариндош-уруғлари тавба қилсин, деб шу ерга олиб келишди, — деди Алишер.

— Сизлар келган жойда бундайлар кўпми?

— Кўп эмас, аммо бор, айниқса, ёшлар орасида учраб туради.

Ҳайратланиб сўрадим:

— Улар қорадорини қаердан олади?

— Тоғлар орасида ёлғизоёқ йўллар бор, бир амаллаб Тожикистондан олиб ўтишади.

Қорадори истеъмол қиладиган йигитнинг «дарди» кучайгандан кучайиб бораверди. Ноилож зиёратгоҳдаги домланинг ҳузурига олиб киришди...

Сўнг домла йигитнинг ота-онасига юзланиб деди:

— Қишлоққа боргандан кейин ички ишлар идорасига учрашиб қўйинглар. Агар назорат остида бўлса ўзингиз учун ҳам, фарзандингизнинг келажаги учун ҳам яхши, бўлмаса у бир балога гирифтор бўлади.

Афсуски, наркотик модда истеъмол қилиш оқибатида турли бало-қазоларга гирифтор бўлаётганлар якка-ёлгиз эмас. Мана, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида юз берган бир воқеа.

Ботир болалик ва ўсмирлик чоғларида ҳеч қандай қийинчилик кўрмай ўсди. Нимани хоҳласа, ота-она унга ҳаммасини муҳайё қилди. Уни шу даражада эркин қўйишдики, нимага қизиқади, кимлар билан дўстлашади, ароқ-вино ичадими, саёқ юрадими, тунги барларга борадими-йўқми — бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Оқибатда Ботир палапартиш, шайтоний ҳаётга берилиб кетди. Бойлиги етарли бўлган ота-она уни бирин-кетин икки марта уйлантирди. Бироқ оиланинг унга аҳамияти йўқ эди. Ҳатто фарзанд кўрса



ҳам унга меҳри бўлмади. Аниқроғи, у кўчабезори ўртоқлари ёрдамида наркотик моддага, яъни заҳри қотилга меҳр қўйганди. «Дарди» қўзиган пайтда нафақат гўдак фарзанди, балки ота-онаю, ака-ука ва опа-сингиллар ҳам кўзига кўринмасди. Негадир жанжал чиқаришдан ҳузур қилиб, «дарди» енгиллашгандай бўларди. Аслида оғуни қабул қилгандан кейин бироз вақт ўтиб яна унинг хумори тутадиган ҳолат эди. Агар яна қабул қилмаса, шайтон васвасаси кучайиб нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай қоларди.

Бир куни шундай пайтда Ботир укаси билан айтишиб қолди. Укаси гап қайтарган эди, шартта дастурхондаги ошпичоқни олиб унинг кўкрагига санчди. У шифохонага етмаёқ жон таслим қилди. Шундан кейингина Ботирнинг ҳуши ўзига келиб, нима қилиб қўйганини англаб етди. Айтинг-чи, бундай мусибатга қайси ота-она чидайди?

Қотил фарзанднинг қилмиши кўрилган судда ота ҳам, она ҳам қатнаша олмади. Улар қай бири учун куйишни билмай гангиб қолишди. Суд «дард» хуружи тутганда эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун қотил акага саккиз йил қамоқ жазоси берди.

Албатта, бунинг учун на жамиятни ва на етти ёт бегоналарни айблаб бўлмайди. Бу, аввало, фарзанд тарбиясида ота-она йўл қўйган хатолар оқибати, қолаверса, маҳалла аҳли, қўни-қўшни ва қариндош-уруғнинг бефарқлиги натижасида юзага келган фожиа эди. Шунинг учун ҳам унинг жабрини биринчи навбатда ота-она тортяпти.

Биз қишлоқдан мисол келтирдик. Лекин бунга ўхшаган ҳолатлар шаҳарларда ҳам йўқ эмас. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, наркологик диспансерлар ходимлари, маҳалла фаоллари ва тарбияга дахлдор жамоат ташкилотлари вакиллари бундай ҳолатларга қарши кураш олиб боришаяпти. Аммо айрим кишиларда қатъиятлик етишмайди. Бу лоқайдлик, эътиборсизлик, муросасозлик ёки журъатсизлик оқибати эмас. Энг ёмони шундаки, кўпинча пулдор ёки катта мавқега эга бўлган, ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқаларга ўз таъсирини ўтказа оладиган одамларнинг сурбетлигини енгиб бўлмайди. Гиёҳвандларнинг бир қисмигина (кўпинча заҳри қотил таъсирида бошқа жиноятларга қўл урганлар) суд ҳукми билан жазога тортилмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ички ишлар ва прокуратура идораларидан ташқари, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик ҳам кураш олиб бориши зарур. Акс ҳолда оддий кўнгилхушлик учун йўл очадиган гиёҳвандлик ёшлар ҳаётига ва миллат келажагига завол бўладиган иллатга айланиб кетиши мумкин.

Ёшлар — келажагимиз. Ҳозирги ва бундан кейинги авлод келажакда ўз ота-боболарининг турмуш тарзини, миллий урф-одат ва анъаналарини, ахлоқ ва одоб қоидаларини, маънавий ва диний қадриятларини сақлаб қоладими-йўқми ёки тараққиёт, замонавийлик, эркинлик, «оммавий маданият» деган турли ниқоблар остида ўзгаларга тақлид қилиб ўзлигини йўқотиб қўядими?! Гап ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, ҳозир ана шу савол кўндаланг бўлиб турибди. Худди ичкиликбозлик, бебошлик, беҳаёлик, ахлоқсизлик каби гиёҳвандлик ҳам миллат шаънига доғ туширадиган ярамас иллат эканлигини унутмайлик. Шунинг учун ҳамиша ҳушёрлик зарур.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

ҚИДИРУВДАГИЛАР ТАҚДИРИ

# «ҚУЁН» ҚОЧИБ ҚУТИЛМАС

**Баъзан инсон жиноят содир этиб, онгли равишда ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда қилмишига жавоб беришдан қўрқиб, қочишни афзал кўради. Хўш, унинг тақдири қандай кечади?**

Албатта, тергов идораларидан қочиб юрган бундай шахсларни ушлаш изқуварлардан юксак маҳорат талаб қилади. Боз устига, ўзга давлатларда улар ҳар бир қадамини ўйлаб босиб, вазиятга қараб иш тутишади. Бу эса ходимдан ўта ҳушёрлик билан иш кўришни тақозо этади.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятга қўл урган ва жуфтакни ростлаб қолган тўрткўллик Шокир ҳам Москвадан бошпана топишни умид қилган эди. Лекин у ерда муқим иш топа олмади. Шу боис арзимаган юмушларни бажариб, бир амаллаб кун кўриб юрди. Шу тариқа бир йилдан зиёд турли хонадонларда юрган Шокир танишидан даромадли иш топилганини эшитиб шу заҳоти қушдай учди. Бироқ у манзилга етиб боргач кутилмаган манзарага дуч келди ва қочишга уринди. Бунга олдиндан шай турган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКБ ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, капитан Арман Бекмуратов унинг йўлини тўсди. Шокир қаршилик кўрсатмоқчи бўлганда тезкор вакил қўл жанги усулини қўллаб, унинг қўлларига кишан солди.

Безорилик қилиб, қочиб юрган нукуслик Қидирбай Алмати шаҳридан, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб даромадини яширишга уринган хўжайлилик Мадиёр ва бир инсон ҳаётига зомин бўлиб, «қуён» бўлган берунийлик Роман ҳам Москва шаҳридан ушлаб келтирилди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган юздан ортиқ жиноятчини қўлга олишга муваффақ бўлдик. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Ғанибай Тавакелев, Нукус шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, майор Шуҳрат Собиров ва бошқа ходимлар фидойилик кўрсатишди.

Бу борадаги ишлар асло сусаётгани йўқ. Чунки жиноят қилган шахс қилмишига яраша албатта жавоб бериши шарт.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ЙЎЛДАГИ БОСҚИНЧИЛИК

**Уйчилик Собитхон Дадабоев танишининг «Нексия» русумли автомашинасида киракашлик қилиб, тўрт нафар фарзанди, оиласини ҳалол меҳнат билан боқиш илинжида елиб-югурарди.**

Шу йилнинг 1 апрели. У Қўйлиқ даҳасида водийга йўловчи-мижоз кутиб турарди. Мўйловли бир йигит ва нисбатан ёшроқ яна бири унга мурожаат қилишди. Айтишларича, улар Алмати шаҳрида ишлаб қайтгандилар. Қозоғистон ҳудудидаги «Қоплонбек» ЙПХ масканида кийимларию бошқа нарсаларини олиб қўйишибди. Шу тахлит арзу ҳолдан сўнг Уйчига 50 минг сўмга олиб бориб қўйишни илтимос қилишди. Раҳми келган Собитхон Дадабоев рози бўлди.

Шундай қилиб Рустам ҳайдовчининг ёнига, Жамшид эса орқа тарафга ўтирди. Улар Поп тумани ҳудудида овқатланишди. Сархуш бўлган йўловчилар яна бир шиша ароқни бўшатдилар. Катта йўлдан Тошкўрғон йўлига бурилиб, тепаликдан ўтганларида Рустам йўл четида тўхташни сўради. Ҳайдовчи йўл четида тўхтагач, машинанинг калитини суғуриб олди. Худди шу лаҳзада Жамшид ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солди. Сергакланиб турган Собитхон Жамшид ясаган сиртмоқ орасига қўл солиб қолишга улгурди. «Нексия» салонида тирик қолиш учун чинакам олишув бошланди. Собитхон жон ҳолатда сиртмоқни узишга муваффақ бўлди ва машинадан тушиб қоча бошлади. Бироқ йўловчилар уни ушлаб олиб дўппослай бошлашди. Собитхон уларнинг қўлидан чиқиб, яна қочишга уринганида Жамшид ердан тош олиб бошига урди. Ҳайдовчи мувозанатни йўқотиб, чуқурликка йиқилди. Жамшид унга яна ташланди. Рустам Собитхоннинг чўнтагидаги 60 минг сўм пули, уяли телефони ва машина калитини олиб, «Нексия»ни ҳайдаб кетди.

Ширакайф йигит бошқарувидаги машина «Пунгон — Наманган» йўлининг қиркинчи чақиримида йўл четидаги ўрикка бориб урилди. Енгил тан жароҳати олган Рустам ва Жамшид жуфтакни ростладилар. Аммо машинада бармоқ излари, соч толалари ва қон доғлари қолди.

...Собитхон бир амаллаб ўрнидан турди. Тебрана-тебрана аҳоли яшайдиган жойга етиб олди. Сўнг воқеа ҳақида ички ишлар идорасига хабар берди.

Тезкор суриштирув ишлари жараёнидан маълум бўлдики, Рустам аслида Чуст туманида яшовчи, муқаддам судланган Баҳром Ҳотамов экан. У ўз таъбири билан айтганда, Қозоғистонда ишлаб келаётиб йўлда бизни туналилар, дея ҳайдовчи Собитхон Дадабоевни алдаган. Жамшид эса Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида яшовчи Олимжон Худоёров экан.

Улар Тошкентнинг Қўйлиқ бозорида танишиб, буни ароқ билан нишонлашган. Ниятлари бузилиб, жиноий тил бириктиришган. Оқибати эса... Жиноят очилиб, айбдорлар қилмишларига яраша қонуний жазо олишди.

**Ш. АҲМАДЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*

Нормамат ТОҒА

# ҲУКМСИЗ ЖАЗО

### Детектив қисса

*(Бошланиши ўтган сонда).*

## ТЎЙДАГИ ТАНИШУВ

Одил Фармонов сигарет тутатаркан, ҳорғин деди:

– Агар бу ҳодисани чуқуррок таҳлил қиладиган бўлсак аёл ким, у қандай гуноҳи учун ўлдирилган, ёқилган, деган саволлар тугилади. Бундан ташқари, машина кимники, қайси русумли, қандай рангда бўлган? Аёлни нега ўлдирилган жойда эмас, машина ёнига судраб келиб ёққан? Сумкачада олиб юриладиган ёғупанинг тушиб қолишини тасодифий ҳол дейлик, қўлдаги узук-чи? Бу саволларга жавобни энди экспертлар топишади. Экспертизадан аввал ушбу ҳолатлар билан бирга кинологнинг ит билан ёғупа ва узук топиш жараёнларини ҳам суратга олинглар. Кейин яна бир иш қиламиз. Ҳаммамиз биргаликда ўша қатор жийдалар тагидаги жойдан ёқилган жойгача пайҳон бўлган, босилган, из тушган ерлардаги ўт-ўланларни яна бир бор синчиклаб текшириб чиқамиз. Кинологнинг қўлига илашган жойдаги қон юқидан авайлаб олиш зарур. Бўпти, ишни бошланглар.

Шундай дея Фармонов Ботировга яқинлашди:

– Энди анави хабар қилган тарбиячини олиб келиш керак. Машина билан бирортасини жўнатинг.

Ботиров нарида турган ходимлар томонга ўгирилганда уларнинг ёнига мотоциклда Олмазор қишлоғи профилактика инспектори келиб тўхтади. У тез-тез юриб келиб, гапиришга чогланган эди Ботиров тўхтатди:

– Менинг машинамга ўтиргину болалар оромгоҳига бориб, тарбиячи Шафоат Қўлдошевани бу ерга олиб кел! Тезда келтириб қўяман, деб айтгин. Босиқлик билан иш кўр, болаларни қўрқитиб юборма тағин!

Ниҳоят, Шафоат Қўлдошева билан суҳбатлашилди. Унинг кўрсатма ва изоҳларини терговчи ёзиб олди. Бошқа ишлар ҳам ниҳояланди. Фармоновнинг кўрсатмаси билан бошланган «ҳашар» пешинга яқин ниҳоясига етди. Бу тадбир ўша узук ва ёғупа чиққан жойдан тўрт дона сигарет қолдиғини топишдан ўзга натижа бермади. Сигаретларнинг ҳаммаси сариқ фильтригача чекилгани чекувчининг ё ичгани, ё ўта ҳаяжонда бўлганлигини кўрсатарди.

– Энди гап бундай, – деди Фармонов жўнаш олдидан профилактика инспекторига, – эрталабгача Олмазор қишлоғидаги жамики енгил машиналарнинг рўйхатини оласиз. Кеча кимнинг машинаси қаерда бўлгани, бугун ким машинаси билан қаёқдалигини аниқлайсиз. Йўлдан шу томонга қачон, қайси русумдаги, қандай рангдаги машина ўтганини кўрган кишилар бўлганми, шуни уйма-уй суриштириб чиқасиз. Ишни ваҳима қилмасдан бажаринг. ЙПХ ходимларидан битта ёрдамчи, ҳамроҳ беришади. Тезкор ходимлар туман ва шаҳар миқёсидаги енгил машиналар билан шуғулланишади. Экспертиза хулосаларини эрталаб йиғилиб, бирга кўриб чиқамиз. Ким қандай янгилик топса дарҳол навбатчига маълум қилсин. Ҳозирча ҳаммага жавоб.

* * *

Облобердининг тоғаси оиласи билан Ургутдан ушбу шаҳарчага кўчиб келиб, дўкон очди. Савдо-сотиқни юргизиб юборгач жиянини ҳам ёнига олди. Орадан вақт ўтиши билан Облобердининг юриш-туриши, ўзини тутиши ўзгара бошлади. Энди у дўконни ёпгач тўғри уйга бормай кўча айланар, янги орттирган танишлари билан кинога, пивохонага, баъзан ресторанга кирар, хиёбонларда сайр қилиб, кечроқ қайтарди. Онаси юмуш билан юргандир-да, деб ўйлаб ундан хавотирланмас, бугунги фойдани ҳисоблаб, эртанги тушумнинг дарди билан хаёли банд бўлган тогаси эса дўкон ёпилгандан сўнг у билан қизиқмас эди.



Шундай кунларнинг бирида Облоберди дўконни ёпган пайтда Ғайрат новвой келиб қолди. У қувноқ ҳолда йигитнинг қўлини сиқиб кўришар экан, гап қотди:

– Мен сизнинг олдингизга келаёттандим. Юринг, бир жойга олиб бораман.

– Қаерга?

– Пахта заводи ёнидаги ошхонада кабобпаз бўлиб ишлайдиган Зиё уйланаяпти. Ўша ердаги ҳунар-техника билим юртида ўқийдиган қизлардан бирини олаяпти. Уйи заводнинг ёнида.

– Мени таклиф қилмаган, бориш ноқулай.

– Ҳали бу ерда янгисиз, кўпчилик танимаса, қаердан таклиф қилади. Давраларга қўшилиб турсангиз танишлар орттирасиз. Юраверинг, бирга бориб келамиз.

– Унда тўйхонага қуруқдан-қуруқ, сўппайиб кириб бораверамизми?

– Мен совға олиб қўйганман, новвойхонада турибди.

Облоберди тўйхонада даврага қўшилгач, келганидан хурсанд бўлди. Базм оқшоми кўнгилдагидек ўтди. Облоберди кеча давомида чап тарафидаги стол атрофида ўтирган қизларнинг биридан кўзини узолмади. Буни пайқаган қиз ҳам жилмайиб, тез-тез у томонга кўз қирини ташлаб қўярди. Вужуди олов бўлиб ёнаёттан Облоберди унинг ўтли нигоҳига дош беролмай, кўзларини олиб қочади ва бироз вақт ўтгач яна қаради. Улар ҳунар-техника билим юртининг қизлари, аниқроғи, келиннинг дугоналари экан.

– Келин-куёвни висол оқшоми билан қутлаш учун навбатдаги табрик сўзини келинпошша Малоҳатхон билан бирга икки йилдан буён таҳсил олиб келаёттан сирдош дугоналаридан бири Ҳалимахонга берамиз.

Ўртакаш йигитнинг таклифидан сўнг Облоберди қайси қиз гапиришини кўрмоқчи бўлиб даврага олазарак боқди. Ҳалимахон деганлари тўй бошлангандан бери Облобердининг юрагига чўғ ташлаб ўтирган қиз экан. У табригини шеър билан тугатди:

***Келинчак, иқболинг кулибди бугун,***

***Илк бор қадам босдинг ҳаёт йўлига.***

***Муҳаббат қўшиғи айлабди мафтун,***

***Жўр бўлгин вафонинг куй-оҳангига.***

***Истагим: билмагин хазон фаслини,***

***Муҳаббат нурлари ёритсин йўлинг.***

***Садоқат дурларин тергин аслини,***

***Саодат созини янгратсин қўлинг!***

«Қиз бола ҳам шунчалик чиройли бўладими, – деб ютинди Облоберди унга суқланиб қарар экан, – худди эртаклардаги парининг ўзи-я! Овозиям қайсидир қўшиқчиникига ўхшаб кетаркан. Бу қиз учун дўконнинг бутун молини харжлаб юборсам ҳам арзийди».

У эртасига тушлик пайти ҳунар-техника билим юртига бориб Ҳалимахонни топди. Илмгоҳ боғидаги суҳбат асносида унинг асли фарғоналик эканлиги, ётоқхонада туриши, ўқишни ёзда тугатишини билиб олди.

– Мана, баҳорниям бир ойи ўтди, – деди Облоберди мақсадини ҳозирнинг ўзидаёқ қизга англатиш ниятида гапни айлантириб. – Ҳадемай ёз ҳам келади.

– Ёз келса нима қилмоқчисиз?

– Облобердининг ниятини фаҳмлаган бўлса-да, айёрона кулди Ҳалимахон.

– Ёзда ўқишингиз тугаркан. Ўқишни тугатиб, кўнгилни тинчитиб, кейин тўй қилган яхши-да.

– Ҳай-ҳай, иштаҳангиз чакки эмас-ку. Жуда дангалчи экансиз-а. Менимча сиз омбордан мол олаяпман, деб ўйлаяпсиз. Биринчи учрашувдаёқ савдони битирмоқчисиз, шекилли.

– Кечирасиз, биз, савдо ходимлари гапга сал нўноқроқ бўламиз ўзи. Чиройли гап топиб гапиришга уқувсизлигимиздан ана шундай дашном эшитиб юрамиз. Лекин кўтара савдога устаси фарангмиз. Ҳалимахон, келинг, яхшиси кечқурун учрашиб, кинога кирайлик. Ўзим келиб олиб кетаман сизни.

– Қани, кеч бўлаверсинчи, ўйлаб кўрамиз.

* * *

Савдо марказининг бошлиғи Мирза Калонов ҳам ургутлик бўлиб, ёлғиз бўйи етган қизидан бошқа фарзанди йўқ эди. Кошона ҳовли, пул, мол-дунё, енгил машина, ҳамма-ҳаммасига эга бўлган эр-хотиннинг эндиги бирдан-бир истаги ўзларига муносиб ичкуёв топиш. Эртаю кеч шунинг маслаҳатини қилишади. Ўрта мактабни бир йил бурун тугатган Ўлмасхон ота-онасининг юзига тик боқмайдиган, одобли, шарм-ҳаёли, шу билан бирга кези келганда бироз чўрткесарроқ бўлгани учун ичкуёв танлашда у билан албатта ҳисоб-китоб қилишга тўғри келарди. Қиз куёв иложи борича ургутлик бўлишини истарди.

Мирза Калонов Облобердини кўз остига олганди. Бу хусусда хотини билан обдон кенгашиб, тафсилотларни тушунтиргач, онаси қизини бир-икки марта йигит ишлайдиган дўконга юборди, ўзи ҳам икки-уч бор харид баҳонасида уни зимдан имтиҳон қилиб қайтди.

– Ўзи бинойидек йигитга ўхшайди, – деди Гулчеҳра эрига. – Зиёфат уюштириб уни уйидагилар билан таклиф қилсак. Ҳаммамиз бир жойнинг одамлари эканмиз, борди-келди қилиб турайлик, деган баҳона билан чақирамиз. Бир марта шундай қилсак, кейин иш ўз-ўзидан юришиб кетади. Шу йигитдан қолмаганимиз дуруст. Ўлмасхонгаям маъқул тушибди. Энг муҳими, ёлғиз ўғил экан.

– Маъқул, – деди Мирза Калонов хотинига мамнун боқиб. – Мен эртага эрталаб Облобердининг тоғаси Расулга хабар қиламан. Кечқурун келаверишсинми?

– Ҳа, албатта. Аммо кўнишармикан?

– Мен уйимга таклиф қиламану келишмайдими. Жон деб, оёқларини қўлларига олиб, югуриб келишади.

– Нима бўлгандаям шу Облобердини тузоққа илинтирсангиз бас.

*(Давоми бор.)*

---

## НАСИБАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Бухоро вилояти ИИБ ҲООБга бевосита бўйсунувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига Қашқадарё вилоятида яшаган **Насиба Чориевна Ҳайитова** олиб келинган. У 1991 йилда туғилган, отаси ҳақида бирор маълумотга эга эмас, ўзининг айтишича, онаси Гулбаҳор Ҳайитова 2006 йилда вафот этган.

**Белгилари:** бўйи 153 см, кўзлари жигарранг, сочи қора.

**Кийимлари:** эгнига қизил-оқ кофта, шортик, оёғига шиппак кийган.

**Н. Ҳайитованинг яқинлари Бухоро вилояти ИИБ ҲООБга бевосита бўйсунувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 8-365-223-61-94 рақамли телефон орқали мурожаат қилишларини сўраймиз.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмокда.**

**Комолжон Улмасович БАХРОМОВ.** 1954 йилда туғилган, Зангиота тумани «Назарбек» қишлоқ фуқаролар йиғини Мактаб кўчаси, 1-хонадонда яшаган. Россия Федерациясига кетаяпман, деб уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, юзи думалоқ, сочи қора оқ аралаш, қошлари қора.

**Кийимлари:** оқ кўйлак, қора шим, қора чармли туфлида бўлган.

* * *

**Равшан Мирҳакимович ИШПУЛАТОВ.** 1979 йилда туғилган, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани Аллон тор кўчаси, 20-хонадонда яшаган. 2006 йил 21 октябрь куни ҳаж сафарига бораман, деб қайнотаси Р. Зокировнинг уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 160-170 см, юзи думалоқ, сочи, қоши, кўзлари қора.

**Кийимлари:** эгнида спорт кийими, оёғида қора рангли спорт туфлиси бўлган.

***

**Санобар Артикходжаевна ПАРДАЕВА.** 1974 йилда туғилган, Зангиота тумани «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, Бахт кўчаси, 1-уйда яшаган. 2007 йил 8 сентябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, юзи думалоқ, сочи, қоши, кўзлари қора.

**Кийимлари:** яшил рангли халат, резинали шиппакда бўлган.

**Ушбу шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Зангиота тумани ИИБга ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

---

Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма молия-иқтисод бўлими бошлиғи, подполковник Фарҳод Шариповга онаси

**МУҲАББАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Учқудуқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, капитан Ш. Эрмаматовга волидаи муҳтарамаси

**ОЙТУЛА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Бухоро шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник А. Ғиёсовга онаси

**МАТЛАБ аянинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.




**TEZ AYTISHLAR**

Muzxonada muzlagan
muzdekkina muzqaymoq.

***

Sodaqat-u Saodat
sinfdosh hamda sirdosh.



*Birinchi ustozim.*

Abu KENJAYEV surat-lavhasi.

## HARFLAR ALMASHGANDA

«Q» qochdi-yu, hayvon bo‘ldi,
«R» harf bilan suvga to‘ldi!
*(Qayiq, ayiq, ariq).*

* * *

«B» harf bilan beshta bo‘ldi,
Turli hunar-ishda bo‘ldi!
«Q» harfida yurib dovi,
O‘ngdan keldi baliq ovi!
*(Barmoq, qarmoq).*

***

«S» harf berar gavdani,
«D»-la boylik degani!
*(Savlat, davlat).*

***

«T» harflisi taomli,
«Q» harflisi – polizda!
«Ch» harflisi suzgancha
Charx uradi dengizda!
*(Tovoq, qovoq, chovoq).*

***

«N» harflisi poyali,
«K» harflisi tuyali!
*(Narvon, karvon).*

***

«S» harflisi so‘raydi,
«O‘» bo‘lmasa o‘rmaydi.
*(So‘roq, o‘roq)*

**Ollayor BEGALIYEV.**

BOLA BOSHIDAN

## O‘N UCH YOSH MO‘JIZALARI

Shoir Maqsud Shayxzoda bolaligidayoq she’rlar mashq qila boshlagan. U besh yasharligida sakkiz, o‘n misradan iborat bir masal to‘qiganini xotirlaydi. Шайхзоданинг ilk she’rlaridan biri – «Askar qo‘shig‘i» 1921 yilda gazetada e’lon qilinganda, u roppa-rosa o‘n uch yoshda edi.

* * *

Rus shoiri Mixail Lermontov o‘n uch yoshida Moskva universitetiga o‘qishga qabul qilingan edi.

* * *

Vengriyaning buyuk shoiri Shandor Petefi o‘n uch yasharlik vaqtida venger tilidan tashqari, slovak, nemis, lotin, fransuz tillarini ham juda yaxshi o‘zlashtirgan edi.

* * *

Mashhur turk shoiri Nozim Hikmatning «Sarvzorda» sarlavhali ilk she’ri «Yangi majmua» jurnalida 1916 yilda e’lon qilingan. Bu vaqtda u o‘n uch yoshda edi.

* * *

Buxoroda ancha obro‘ topgan Abdulloh ibn Sino bir kuni shoirlar, olimlar, astronomlar, amaldorlarni o‘z uyiga chaqiradi. Abdullohning o‘g‘li yosh Husaynning yuksak zehni, bilimini sinab ko‘rish maqsadida har bir mehmon o‘z sohasi bo‘yicha bir-birlariga navbat bermay savollar yog‘dira boshlaydilar. Yosh Husayn barcha savollarga shoshilmay, osonlik bilan dona-dona qilib javob beradi.

Abu Ali ibn Sino – «Hayotingni ilmga bag‘ishlamoq uchun, o‘zinggacha o‘tgan barcha olimlarning bilganini bilib, o‘zing yana ilgari qadam bosishing zarur...» degan xulosaga kelib ulgurgan chog‘ida atigi o‘n uch yoshli bola edi.

**Farhod TOLIBOV tayyorladi.**

**Rasmlardagi 7 ta farqni toping**



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятининг «ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ – ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ» танловига марҳамат!

**Азиз ҳамкасблар! 2010 йилнинг 12 май куни ИИВ Бирлашган таҳририятининг «Postda», «На посту» газеталари чиқа бошлаганига 80 йил тўлади. Тарих олдидаги бу қисқа давр ичида севимли газеталаримиз шарафли йўлни босиб ўтди. Ходимларимизнинг элу юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги шарафли ва ғоят масъулиятли фаолиятини халққа етказишда нашрларимизнинг хизматлари ғоят беқиёсдир.**

Шу боисдан, ушбу қутлуғ сана арафасида, ходимларимизнинг фидокорона хизматларини нашрларимизда тўлақонли ёритиб боришни таъминлаш мақсадида **«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари»** танловини ўтказишга қарор қилдик.

Танловда профессионал журналистлар билан бир қаторда, ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлари, жамоатчи мухбирлар ва бошқа хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Танлов ИИВ Бирлашган таҳририяти «Postda» ва «На посту» газеталарининг 80 йиллик юбилейи арафасида якунланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 2009 йилнинг 20 августидан 2010 йилнинг 5 майигача «Postda» – «На посту» газеталари ва «Qalqon» – «Щит» журналларида чоп этилган бўлиши шарт.

Танловга тақдим этилаётган материаллар (хабар, мақола, очерк, репортаж, фотолавҳа ва ҳоказолар) қуйидаги мавзуларда бўлиши тавсия этилади.

**– Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуслари билан ички ишлар идораларида амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда унинг аҳамияти;**

**– Ходимларимизнинг жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлари;**

**– Ички ишлар идоралари ходимлари куни байрам табригида Президентимиз томонидан қўйилган устувор вазифаларнинг ижроси;**

**– Профилактика инспекторлари, ППХ ва ЖТСБ, ЙҲХБ, ЁХБ ҳамда бошқа хизмат ходимларининг аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги фаолияти;**

**– Жиноятчиликка қарши кураш ва уларни «иссиқ изида» фош этиш, қидирувдаги жиноятчилар ва бедарак йўқолганларни излаб топиш борасидаги илғор иш услублари ва тажрибалари;**

**– Шахсий таркибни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, фахрийлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;**

**– Тергов хизмати ходимларининг жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги самарали ишлари;**

**– Турли хизмат ходимларининг юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги ижобий иш фаолиятлари, эришган ютуқ ва натижалари.**

**– Детектив қисса ва ҳикоялар.**

Ижодий иш намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

Танлов ғолиблари ИИВ Бирлашган таҳририятининг қуйидаги қимматбаҳо совғалари билан мукофотланадилар:

**Битта биринчи ўринга** – рангли телевизор;
**Иккита иккинчи ўринга** – иккита DVD плейер;
**Учта учинчи ўринга** – учта диктафон.

Шунингдек, танлов иштирокчилари рағбатлантирувчи мукофотлар ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан ҳам тақдирланадилар.

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танлови ғолиблари ва совриндорларига Фахрий ёрлиқ ҳамда мукофотлар 2010 йил май ойида «Postda» ва «На посту» газеталарининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

**Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти.
**Телефонлар:** 233-61-64, 231-41-09. **Факс:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

ISSN 2010-5355

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS:
**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE’MATOV**

Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart.
Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma J-8152. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57505 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.**